

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

5-6-сон  
(65-66)  
2003 й.  
март

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Иккинчи бўлим*

45. «Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 13 майдаги ПФ-1778-сон Фармонига ўзгаришилар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 марта ПФ-3218-сон Фармони
46. «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 марта ПФ-3226-сон Фармони
47. «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 марта ПФ-3227-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

48. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 марта 119-сон қарори
49. «Муқобил хизматни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уни ўташи тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 марта 128-сон қарори

50. «Тадбиркорлик субъектлари — факат юридик шахслар томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 мартағи 129-сон қарори
51. «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки хисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 мартағи 133-сон қарори
52. «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда навбатдаги чақирув тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 мартағи 136-сон қарори [Кўчирма]
53. «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартағи 140-сон қарори
54. «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартағи 147-сон қарори
55. «Аҳолини ватанимизда ишлаб чиқарилган ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 мартағи 155-сон қарори
56. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товорлари билан тўлдиришни рафбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 мартағи 164-сон қарори

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**45 «Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 13 майдаги ПФ-1778-сон Фармонига ўзgartиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 2002 йил 20 декабрдаги ПФ-3178-сон Фармонига мувофиқ «Давлат хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 13 майдаги ПФ-1778-сон Фармонининг 1-бандидаги «ва прокуратура» сўзлари чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 6 март,  
ПФ-3218-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**46 «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида**

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли хукуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини ўзgartириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

суформа дехкончилик ҳамда сугориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш;

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

қишлоқда асосий ишлаб чиқариш бўғини ҳисобланган қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини пухта таъминлашга қаратилган иқтисодий ва хукукий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалар ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу мақсадга бўйсундириш;

хўжалик юритишининг ширкат, фермер ва дехқон ҳўжаликлари ташкилий-хукукий шаклларини сақлаб қолиши, истиқболда асосий қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер ҳўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликларининг таклифларига мувофиқ қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган контрактация шартномаларини умумлаштириш асосида жорий йилга пахта ва дон етишириш прогноз кўрсатичлари республика ва минтақалар даражасида белгиланади;

б) қишлоқ ҳўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ҳўжаликларининг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан қишлоқ ҳўжалик экинларини мустақил равишда жойлаштирадилар;

в) ҳўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан етиширилган маҳсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда Фармоннинг мазкур бандидан келиб чиқсан ҳолда амалдаги барча низом ва меъёрларни қайta кўриб чиқсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари қишлоқ ҳўжалигига ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий шакли сифатида ижара муносабатлари кенг ривожланишини таъминласинлар. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2004 йилдан бошлаб барча ширкат ва фермер ҳўжаликларини қишлоқ ҳўжалик экинзорларидан фойдаланишининг ижара шаклига ўtkазиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари фермер ҳўжаликлари тузиш ҳамда улар фаолиятини ташкил қилиш жараёнида қўйидаги принципиал қоидаларга амал қилсинлар:

фермер ҳўжаликлари, қоида тариқасида, тугатиладиган зарар билан ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар негизида барпо этилади;

фермер ҳўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинади;

ер майдонлари фермерларга танлов асосида эллик йилгача узоқ муддатли асосда, ижара муддати давомида мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ижарага фойдаланиш учун берилади;

фермер ҳўжаликларига берилган ер майдонлари ширкат ҳўжаликларининг балансидан чиқарилади;

фермер ҳўжаликларини шакллантириш учун ер майдонлари бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида Низом билан белгиланади;

етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда моддий-техника ресурслари ва хизматларни олиш учун шартномаларни фақат фермер хўжаликларининг ўзлари тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан-тўғри тузадилар;

фермер билан ёлланма ходимлар, шу жумладан оила аъзолари ўртасидаги меҳнат муносабатлари амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномалига асосланди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимларни билан бирга икки ой муддатда қуидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

маҳаллий шароитларни, қишлоқ хўжалик ерлари, меҳнат ресурслари мавжудлигини ҳамда ширкатларни қайта ташкил этиш натижасида бўшаб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш истиқболларини чукур таҳлил этиш асосида вилоят ва туманлар бўйича яқин йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси;

2003—2005 йилларда қишлоқда замонавий бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш Дастури.

6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблансин, бунда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини тақсимотчилик вазифаларидан озод қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларига раҳбарлик қилишнинг маъмурий-бўйруқбозлиқ усулларидан воз кечиш назарда тутилсин.

Қуидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини ўтказиш;

замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларига жорий этиш;

қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизmlари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий принципидан ҳавза принципига ўтишни кўзда тутувчи сув ресурсларини бошқариш, шунингдек суформа сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини барча даражада тадбик қилиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаруви марказий аппаратининг тузилмасида қуидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича Кенгашлар тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансан:

- пахтачиликни ривожлантириш;
- фаллачиликни ривожлантириш;
- сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш;
- чорвачиликни ривожлантириш;
- ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш.

Тегишли тармоқларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш Кенгашларнинг энг муҳим вазифалари этиб белгилансин.

Мазкур Кенгашлар таркибига жамоатчилик асосида етакчи мутахассислар аъзо

бўлиб кирадилар. Кенгашларнинг раислари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг аъзолари ҳисобланадилар.

Кенгашларнинг барча тавсиялари қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг мажлисларида муҳокама этилиши лозим, унинг қарорлари ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади.

Мазкур Кенгашлар ишчи органларининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлари зимасига юклатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда тегишли ташкилотлар билан бирга қўйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Махкамасига тақдим этсин:

қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг вилоят ва туман бўлинмалари тўғрисидаги янги низомлар;

фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат)нинг янги намунаий уставлари.

Ушбу низомларни тайёрлаш чофида қишлоқ хўжалик корхоналарининг мустақиллигини кенгайтириш, ҳар бир бошқарув ва хўжалик юритиш субъектининг вазифа ҳамда мажбуриятлари аниқ чегаралаб қўйилиши, ширкат хўжаликлирида кадрлар масалаларини ҳал этишнинг демократик шакллари, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг жорий фаолиятига маъмурий аралашувга барҳам бериш кўзда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномаларни қайта ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда янги иамунавий шартномаларни белгиланган тартибида тасдиқласин.

Мазкур шартномаларда қўйидагилар кўзда тутилсин:

асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиширувчининг тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқеи;

томонларнииг ҳуқуқ ва ўзаро мажбуриятларини аниқ белгилаш;

маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш ҳамда шартномалар бўйича ўзаро хисоб-китобларнинг тартиби ва аниқ муддатларини белгилаш;

шартномавий муносабатлар мазмуни ва моҳиятини бош вазифа — асосий маҳсулот ҳисобланган пахта толаси, дон ва бошқа маҳсулотларни энг кам сарф-харажат билан етишириш вазифасига эришишга бўйсундириш;

шартнома мажбуриятларининг ижроси учун томонларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаб қўйиш.

Мазкур шартномалар агротехника тадбирлари амалга оширила бошлашидан кечи билан 1 ой олдин тузилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қишлоқ хўжалигида шартномалар тузиш ва уларни бажариш чофида белгилangan норма ҳамда талабларга хўжалик юритувчи субъектларнинг риоя этишлари устидан мунтазам назорат ўрнатсин;

бир ой муддатда, Олий суд ва Олий хўжалик суди билан биргаликда Республика минтақаларида қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг шартномавий ўзаро муносабатлардан келиб чиқадиган манфаатлари ишончли ҳимоя этилишини

таъминлайдиган ҳуқуқий институтларнинг ривожланган тизимини шакллантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўми-таси, Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солик қўми-таси бир ой муддатда қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини баҳолашда статис-тик ва молиявий кўрсаткичларнинг амалдаги тизимини ўргансинлар хамда ана шу асосда уларни тубдан қайта қўриб чиқиши бўйича таклифлар киритсинлар ва бунда бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ уларни қисқартириш ҳамда ягона ҳисобот тизимини яратишни кўзда тутсинглар.

Айни чоғда вазирликлар ва идоралар томонидан барча бошқарув поғоналарида қўшимча ҳисобот шакллари жорий этилишига йўл қўйилмасин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги хамда бошқа манфаатдор вазир-ликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги так-лифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Н.С. Юсупов зиммаларига юкл-тилсин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 24 март,  
ПФ-3226-сон

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## **47 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида**

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароити-да аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ йўнал-тирилишини кучайтириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақи хисо-бидан табақалаштирилган миқдорларда ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилсин (иловага мувофиқ).

2. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўлов-ларининг суммаси меҳнат ҳақи фондига қўшилиши ҳамда иш ҳақи (пенсиялар) тўланадиган муддатларда тўланиши белгилаб қўйилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

3. Республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ушбу Фармонга мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини жорий этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаш манбай этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари механизми тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонининг 6-банди ва 3-иловаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация обьектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3079-сон Фармони 1-бандининг учинчи хатбоши ва 4-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда конунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Мажкамасига тақдим этсин;

вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқ холга келтирилишини таъминласин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 27 март,  
ПФ-3227-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2003 йил 27 марта  
ПФ-3227-сон Фармонига  
ИЛОВА

### **Уй-жой-коммунал хизматлар бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига ойлик компенсация пул тўловлари бериладиган имтиёзли тоифадаги шахслар РЎЙХАТИ**

Шахслар тоифалари рўйхати	Ойлик компенсация тўловлари майдори (энг кам иш ҳақига нисбатан % ҳисобида)
1. Барча турдаги умумий таълим мактабларининг педагогик маълумотга эга бўлган ўқитувчилари, директорлари, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстерлари.	45
2. Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг ўқитувчилари, директорлари, директорнинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ишлаб чиқариш таълими устозлари, психологлари, услубиётчилари, концертмейстерлари.	45

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

Шахслар тоифалари рўйхати	Ойлик компенсация тўловлари мидори (энг кам иш ҳақига ниисбатан % ҳисобида)
3. «Мехрибонлик уйлари»нинг педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилари, директорлари, директорнинг ўкув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, психологлари.	45
4. Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-болалар боғчаларининг педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилари, ўқитувчилари, мудирлари, директорлари, директорнинг ўкув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, психологлари.	45
5. Мактабдан ташқари болалар муассасаларининг педагогик маълумотга ёки тренерлик иш стажига эга бўлган ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, директорнинг ўкув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, йўриқчи-услубиётчилари, концертмейстерлари.	45
6. Олий ўкув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлари, таълим, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлари, филиалларининг директорлари ҳамда директорнинг таълим, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, илмий котиблари, ишлаб чиқариш таълими устозлари, ҳисоблаш марказларининг бошлиқлари ва муҳандислари.	45
7. Ушбу рўйхатнинг 1-6-банларида кўрсатилган, камида 10 йил педагогик ва илмий-педагогик иш стажига эга бўлган ходимлар тоифаларига мансуб пенсионерлар.	45
8. Қишлоқ жойларда ва ишчилар шаҳарчаларида ишловчи шифокорлар, провизорлар, ўрга тиббиёт ва фармацевтика ходимлари. Шу соҳада камида 10 йил иш стажига эга бўлган мазкур тоифалардаги шахсларга мансуб пенсионерлар.	45
9. Ўзгалар қарамогига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар.	45
10. 1941-1945 йillardаги Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар.	45
11. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва Шуҳрат орденларининг учала даражалари билан мукофотланган шахслар. Фашистлар концлагерларининг собиқ вояга етмаган туткунлари, Ленинград шаҳри блокадаси даврида ишлаган фуқаролар, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронлари, Чернобил ҳалокати оқибатида зиён кўрган фуқаролар, ядро полигонларидаги ва бошқа ядеровий-радиация обьектларидаги ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.	45
12. 1941-1945 йillardаги Иккинчи жаҳон уруши давридаги меҳнат фронти қатнашчилари.	18

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ ҚАРОРИ

### **48 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш, фуқароларни ҳарбий рўйхатга олиш тизими-ни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан ўтказиш давлатдаги мавжуд ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчилар ресурсларини хисобга олиш ҳамда таҳлил қилишнинг умумдавлат тизими ҳисобланади. Ҳарбий рўйхат ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг яшаш, ишлаш ва ўқиш жойида жойлардаги давлат хокимияти ва бошқарув органлари, ҳарбий бошқарув маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шу жумладан ўкув муассасалари раҳбарлари томонидан юритилади;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан ўтказишни ташкил этиш ва юритиш ишларига умумий раҳбарлик ва назорат Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

3. Қўйидагилар:

давлатдаги мавжуд ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчилар ресурсларини хисобга олиш ҳамда таҳлил қилиш умумдавлат тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

мавжуд ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг микдор ва сифат таркибини аниқлаш, уларнинг самарали ва оқилона режалаштирилишини ва уруш даврида улардан Куролли Кучлар ва иқтисодиёт эҳтиёjlари учун фойдаланилишини таъминлаш;

резервдаги ҳарбий хизматга мажбурлар орасидан Куролли Кучларнинг сафарбарлигини кучайтириш ва кейинчалик уруш даври шароитларида Куролли Кучларни улар билан тўлдириш учун зарур ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ва резервда саклаб туриш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳарбий рўйхатга олишнинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

4. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низом талаблари сифатли ва самарали бажарилишини, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхатга олиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминласинлар;

2003 йил 1 июнгача ўзларига қарашли корхоналар, ташкилотлар ва муассаса-

лар, шу жумладан таълим муассасалари, туман, шаҳар ҳокимлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари штат жадвалларини ўрганиб ва аниқлаб чиқсинлар, ҳарбий ҳисобга олиш ходимлари лавозимлари мавжуд бўлмаган тақдирда уларни Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомда белгиланган юклама нормаларига мувофиқ тўлдириши назарда тутсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ф. Фуломов):

икки ой муддатда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчиларни автоматлаштирилган тарзда ҳарбий рўйхатга олишнинг классификаторли тизимини барпо этиш дастурини ишлаб чиқсин, уни рухсатсиз ахборот олиш ва ахборот ошкор бўлишидан ҳимоя қилишни ҳисобга олсин ҳамда унинг 2003–2004 йиллар мобайнида амалга оширилишини таъминласин. Махсус асбоб-ускуналар, техника ва дастурий таъминотни харид қилиш харажатларини 2003 йилда ажратилган маблаф билан таъминлаш лимити доирасида амалга оширсин;

2003 йил 1 июнгача Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий ҳисобга олишни ташкил этиш ва уни юритиш тартиби масалалари бўйича йўриқномани ишлаб чиқсин ва йўриқнома билан вазирликлар, идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Б. Нурмуродов) 2004 йилга бюджет прогнозини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчиларни автоматлаштирилган тарзда ҳарбий рўйхатга олишнинг классификаторли тизимини барпо этиш учун маҳсус асбоб-ускуналар, техника ва дастурий таъминотни харид қилиш учун бюджет маблағлари ажратишни назарда тутсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгashi котиби Ф.Д. Обляров зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 4 март,  
119-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 4 марта 119-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчиларни ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва унинг шакллари тартибини, шунингдек жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳарбий бошқарув, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг, шу жумладан таълим муассасалари мансабдор шахсларининг ҳарбий рўйхатга олишни юритиш бўйича мажбуриятларини белгилаб беради.

1. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш

давлатдаги мавжуд ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчилар ресурсларини ҳисобга олиш ва таҳлил қилишнинг умум давлат тизими ҳисобланади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ташкил этилади ва уларнинг яшаш жойи бўйича юритилади.

Миллий ҳавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматга мажбурларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати Раиси томонидан белгиланадиган тартибида амалга оширилади.

Тиббий тайёргарликка ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатдаги тегишли ҳарбий ихтисосликка турдош касб бўйича тайёргарликка эга бўлган аёллар жинсига мансуб шахслар ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий рўйхатига киритилади.

2. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш тизими мамлакатда амал қилувчи паспорт тизими билан боғлик ҳолда юритилади. Рўйхатга олиш тизимининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги органлари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шу жумладан таълим муассасалари томонидан таъминланади.

3. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш маҳсус ва умумий рўйхатларга бўлинади ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг, шу жумладан таълим муассасаларининг раҳбарлари томонидан уларнинг яшаш, ишлаш ва ўқиш жойлари бўйича юритилади.

Маҳсус ҳарбий рўйхатга олиш сафарбарлик даврида ва уруш даврида давлат бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун брон қилинган ҳарбий хизматга мажбурларни рўйхатга олиш ва назорат қилиш учун мўлжалланган.

Умумий ҳарбий рўйхатга олиш сафарбарлик даврида ва уруш даврида давлат бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун брон қилинмаган чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларни шахсий рўйхатга олиш ва назорат қилиш учун мўлжалланган. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни шахсий рўйхатга олиш туман (шаҳар) мудофаа ишлари органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек улар ишлайдиган ёки ўқийдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

4. Сафарбарлик чақириқ резерви хизматчиларини ҳарбий рўйхатга олиш мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ҳисобга олиш карточкалари алоҳида картотекага ажратилган ҳолда алоҳида амалга оширилади.

Улар 27 ёшга тўлгандан кейин иккинчи тоифали резерв ҳарбий хизматга мажбурларнинг умумий рўйхатига ўтказилади.

Сафарбарлик чақириқ резерви хизматчиси ёки резервнинг ҳарбий хизматга мажбури белгиланган тартибида тинч даврда ҳарбий хизматга яроқсиз, уруш даврида чекланган яроқли деб топилган тақдирда, захирага ўтказилиши керак.

5. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга киритиш ва ундан чиқариш тартиби Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмита, Фавкулодда вазиятлар вазирлиги органлари ва ҳарбий ту-

зилмаларига рўйхатга олиш учун берилган, шунингдек Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси кадрларига ўтказилган ҳарбий хизматга мажбуrlар тегишли вазирликлар ва идораларнинг рўйхатида туради.

Улар хизматдан бўшатилгандан кейин бўшатиш пайтидаги лавозимлари ва унвонлари бўйича яшаш жойи бўйича мудофаа ишлари бўлимларига рўйхатга олиш учун бериладилар, Миллий хавфсизлик хизмати органларида хизматни ўтаган шахслар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмита, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларига рўйхатга олиш учун берилаётган ҳарбий хизматга мажбуrlарни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси кадрларига ўтказилган ҳарбий хизматга мажбуrlарни ҳарбий рўйхатдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва Фавқулодда вазиятлар вазирининг, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Давлат чегараларини химоя қилувчи қўмита раиси ва Давлат божхона қўмитаси раисининг бўйруғидан кўчирма асосида амалга оширилади.

Ҳарбий хизматга чақирилган ёки кирган шахслар резервдагилар ва захирадагилар ҳарбий рўйхатидан чиқарилади.

Ҳарбий рўйхатдан қўйидагилар чиқарилиши шарт:  
тиббий комиссиялар томонидан ҳарбий хизматга яроксиз деб топилиб, ҳарбий рўйхатдан чиқарилган фуқаролар;  
резервда ёки захирада бўлиш ёшининг чегарасига етган фуқаролар;  
доимий яшаш учун чет элга жўнаб кетаётган фуқаролар;  
вафот этган ёки конунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган фуқаролар.

6. Ҳарбий хизматга мажburlar ва чақирилувчиларни рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш бўйича ишларга умумий раҳбарлик қилиш, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан катъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларида ушбу ишларнинг ҳолати устидан назорат қилиш Мудофаа вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларига, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳарбий хизматга мажburlar ва чақирилувчиларни шахсий рўйхатга олиш зиммасига юкланган ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳарбий хизматга мажburlar ва чақирилувчиларни рўйхатга олишнинг ҳолати устидан назорат қилиш вазифаси юкланади.

7. Ўзбекистон Республикаси фуқароларни ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби масалалари бўйича йўриқномалар ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлар, шунингдек рўйхатга олиш ва хисобот беришнинг тегишли бланкалари Мудофаа вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда вазирликлар, идоралар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар ўзларига қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, таълим муассасаларини, туманлар, шаҳарлар ҳокимликларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ушбу хужжатлар ва бланкалар билан таъминлайди.

Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматга мажburlarини рўйхатга олишни ташкил этиш ва юритиш тартиби масалалари бўйича йўриқномалар ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлар, шунингдек рўйхатга олиш ва хисобот беришнинг

тегишли бланкалари Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

8. Қуидагилар:

офицернинг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома, контракт бўйича ҳарбий хизматчи гувоҳномаси бланкалари, ҳарбий гувоҳнома, захирадаги офицер гувоҳномаси, қайд этиш гувоҳномаси ва муқобил хизмат хизматчиси гувоҳномаси, шунингдек ҳарбий хизматга мажбуларнинг маҳсус ҳарбий рўйхатдаги ҳолатини белгиловчи гувоҳномалар ва билдиришномалар бланкалари қатъий ҳисбот бериладиган ҳарбий-хисоб хужжатлари хисобланади. Ҳарбий-хисоб хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг буюртманомалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида қалбакилаштиришга қарши химоя элементларига эга бўлган маҳсус қофозда тайёрланади ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан вазирликлар (идоралар)га ҳамда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаларига юборилади.

Ҳарбий-хисоб хужжатлари қатъий ҳисбот бериладиган хужжатлар тоифаси учун белгиланган тартибда хисобга олинади, сакланади ва хисобдан чиқарилади.

Офицер шахсини тасдиқловчи гувоҳнома, контракт бўйича ҳарбий хизматчи гувоҳномаси, захирадаги офицер гувоҳномаси, ҳарбий гувоҳнома, қайд этиш гувоҳномаси ва муқобил хизмат хизматчиси гувоҳномаси бланкалар учун ҳақ ундирилмасдан берилади. Йўқотилган, йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномалар ўрнига гувоҳномаларни такроран беришда бланкалар учун ҳақ ундирилади.

Муқобил хизмат хизматчиларига улар хизмат қилган даврда муқобил хизмат хизматчиси гувоҳномаси берилади. Хизмат муддати тамом бўлгач муқобил хизматдан бўшатилганда ёки турли сабабларга кўра муддатидан олдин бўшатилганда уларга ҳарбий гувоҳнома берилади.

9. Ҳарбий хизматга мажбулар ва чақириувчиларни туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларида рўйхатга олиш:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий ҳарбий мажбурият бажарилишини ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган ҳарбий рўйхатга олиш қоидаларига риоя қилиш назорат қилинишини таъминлаш;

сафарбарлик даврида ва уруш даврида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларига раҳбарлар таркибини, мухандис-техник ходимларни, малакали ишчиларни брон қилишни ўз вақтида расмийлаштириши ташкил этиш;

сафарбарлик бўйича чақирилиши керак бўлган мутахассисларни алмаштириш учун зарур кадрлар резервини олдиндан тайёрлаш;

сафарбарлик тадбирларини ўтказишида ҳарбий бошқарув маҳаллий органларига ёрдам бериш мақсадларида юритилади.

10. Мудофаа ишлари органлари ҳарбий хизматга мажбулар ва чақириувчиларни яшаш жойлари бўйича ҳарбий рўйхатга олишга, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шу жумладан таълим муассасаларида уни юритишининг ҳолати ва тартибини назорат қилишга мажбуурлар.

11. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ўзлари хизмат кўрсатадиган худудда яшовчи барча ҳарбий хизматга мажбурулар ва чақириувчилар тўлиқ ва сифатли рўйхатта олинишини таъминлашга;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чакирилувчиларни бошланғич рўйхатга олиш карточкаларини захирадаги офицерлар гувоҳномалари ва ҳарбий гувоҳномалардаги, қайд этиш гувоҳномалари ва муқобил хизмат хизматчилиги гувоҳномаларидағи ёзувлар билан мунтазам равишда солиштиришга ҳамда ушбу карточкаларни бир йилда камида бир марта солиштириш учун туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларига тақдим этишга;

ўн кун муддатда ҳарбий рўйхатга олинган ва ундан чиқарилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чакирилувчилар тўғрисида туман (шаҳар) мудофаа ишлари органларига хабар беришга мажбурдирлар.

12. Идоравий мансублилиги ва муликчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасалари маъмурияти қўйидагиларга мажбурдир:

мазкур корхона, муассаса, ташкилот ва таълим муассасасининг барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чакирилувчиларини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланадиган қоидалар ва шакллар бўйича тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлаш;

захирадаги офицерлар гувоҳномаларидағи, ҳарбий гувоҳномалардаги, қайд этиш гувоҳномаларидағи ва муқобил хизмат хизматчилигининг гувоҳномаларидағи ёзувларни уларнинг шахсий карточкаларидаги (Т-2-шакл) ёзувлар билан доимий равишида аниқлаштириб бориш ҳамда ушбу карточкаларни солиштириш учун ҳар йили камида бир марта туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларига тақдим этиш;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чакирилувчиларнинг оиласи ахволи, яшаш жойи манзили, хизматдаги мавқеи, умумтаълим ва техник тайёргарлигидаги ўзгаришларни мунтазам равишида ҳисобга олиб бориш ҳамда беш кун муддатда ушбу ўзгаришларни уларнинг шахсий карточкаларига киритиш, бу тўғрида тегишли ҳарбий рўйхатга олиш органларига улар томонидан белгиланадиган муддатларда, лекин ҳар ойда камида бир марта маълум қилиш;

раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар таркибидаги ҳарбий хизматга мажбурлар сафарбарлик даври ва уруш даври учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларига брон қилиб қўйилишини ўз вақтида расмийлаштириш;

ишга (ўқишига) янги қабул қилинган ёки ишдан (ўкув юртидан) бўшатилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чакирилувчилар тўғрисида етти кун муддатда мудофаа ишлари бўлимларига хабар қилиш;

фуқароларни ишга (ўқишига) қабул қилишда уларда ҳарбий-ҳисоб ҳужжатлари (ҳарбий хизматга мажбурларда — захирадаги офицер гувоҳномасининг, ҳарбий гувоҳноманинг, чакирилувчиларда эса — қайд этиш гувоҳномаси) мавжудлигини текшириш ҳамда уларнинг ҳарбий ҳисобда туришини аниқлаш. Фуқаролар факат яшаш жойи бўйича ҳарбий ҳисобга қўйилганидан кейингина ишга (ўқишига) қабул қилинадилар.

13. Юқори органга эга бўлмаган нодавлат сектордаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шу жумладан таълим муассасалари ҳарбий ҳисобни юритиши масалалари юзасидан ўзлари жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисобот берадилар. Ушбу ҳолларда ҳокимлик уларни ҳарбий хизматга мажбурлар ва чакирилувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш бўйича бланкалар, ҳисобот шакллари ва бошқа ҳужжатлар намуналари билан таъминлайди.

Нодавлат сектордаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларида ҳарбий хизматга мажбурлар ва чакирилувчиларнинг ҳарбий рўйхатга олиш, шунингдек улар бўйича ҳисобот бериш ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган қоидалар бўйича амалга оширилади.

14. Жойлардаги давлат ҳокимиюти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, зиммасига ҳарбий хисобни юритиш юкланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасалари раҳбарлари, ички ишлар, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш, сурошириув ва дастлабки тергов органлари, тиббий-мехнат эксперт комиссиялари, уй-жойлардан фойдаланиш органлари ва уй эгалари «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига мувофиқ ҳарбий бошқарув маҳаллий органларига уларнинг ишида кўмаклашиши ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий ҳарбий мажбуриятнинг бажарилишини ва ҳарбий рўйхатга олиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши шарт.

15. Мудофаа ишлари органлари, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, шу жумладан таълим муассасаларидағи ҳарбий рўйхатга олиш ходимлари сони бир ходим хисобига юклама нормасидан келиб чиқсан ҳолда:

а) мудофаа ишлари бўлимларида:

хисобда 1500 нафаргача ҳарбий хизматга мажбурлар бўлганда — ҳисобга олиш ва брон қилиш бўйича бир нафар ходим, хисобда 1500 дан 3000 нафаргача ҳарбий хизматга мажбурлар бўлганда — икки нафар ана шундай ходим ва шундан кейинги ҳар 1500 нафар ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар ҳисобига — бир нафардан ходим;

б) ҳокимликларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида:

хисобда 500 дан 1000 нафаргача ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар бўлганда — ҳарбий рўйхатга олиш учун бир нафар штатли ходим, хисобда 1000 дан 2000 нафаргача ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар бўлганда — икки нафар ана шундай ходим ҳамда шундан кейинги ҳар 1000 нафар ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар ҳисобига — бир нафардан ходим;

в) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларида:

хисобда 500 дан 2000 нафаргача ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар бўлганда — асосий ишидан озод қилинган бир нафар ходим, хисобда 2000 дан 4000 нафаргача ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар бўлганда — икки нафар ходим, хисобда 4000 дан 7000 нафаргача ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар бўлганда — уч нафар ходим ва шундан кейинги ҳар 3000 нафар ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар ҳисобига — бир нафардан ходим белгиланади.

Ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳарбий рўйхатга олиш ходимлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларида эса — ўз маблағлари ҳисобига таъминланадилар.

16. Ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шу жумладан таълим муассасаларида хисобда 500 нафардан кам ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчилар бўлганда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириувчиларни ҳарбий рўйхатга олиш ва брон қилиш ишлари белгиланган тартибда ҳокимлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, корхона, ташкилот ва муассасанинг, шу жумладан таълим муассасасининг ходимларидан бирига ўриндошлик бўйича юкланади.

17. Ҳарбий рўйхатга олиш билан шуғулланувчи ходимларни тайинлаш, алмаштириш ва ишдан бўшатиш тегишили равишда туман (шаҳар) ҳокими, фуқаролар йиғини раиси, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхона,

муассаса, ташкилот ва таълим муассасаси раҳбарлари томонидан мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бирлашмалар раҳбарлари:

жойлардаги давлат бошқарув органларида, тасарруфларида корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасаларида ҳарбий рўйхатга олиш ишларининг ахволини назорат қилиши;

жойлардаги ҳарбий рўйхатга олиш ишларининг ахволи масалаларини мунтазам равишда қўриб чиқиши ва уларни яхшилаш чора-тадбирларини қўриши шарт.

19. Ҳарбий рўйхатга олиш бўлимлари, ҳарбий сафарбарлик органлари ходимларидан ҳарбий рўйхатга олиш ва сафарбарлик ишлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа вазифаларни бажариш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

20. Ҳарбий хизматга мажбуrlар, чақирилувчилар ва мансабдор шахслар ҳарбий рўйхатга олиш қоидаларини бузганлик учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### **49 Муқобил хизматни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уни ўташи тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Конунга мувофиқ, муқобил хизматни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уни ўташи тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Муқобил хизматни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг уни ўташи тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида фуқаролар томонидан муқобил хизмат ўталадиган вазирликлар ва идоралар рўйхати 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муқобил хизматни ташкил этиш ва уни ўташи тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 7 июндаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1993 й., 6-сон, 21-модда) ўз кучини йўқотган деб хисблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилиги:  
норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштиурсин;  
2004 йил декабргача муқобил хизмат органларини босқичма-босқич тугатсин ва улар фаолиятига раҳбарлик қилишни мудофаа ишлари худудий органларига юкласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С. Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 11 март,  
128-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

Вазирлар Махкамасининг  
2003 йил 11 мартағи 128-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Муқобил хизматни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси  
фуқароларининг уни ўташи тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан муқобил хизматни ўташ тартибини, шунингдек, уни ташкил этиш юзасидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вазифаларини белгилайди.

2. Муқобил хизмат фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий оғатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида туридир.

3. Муқобил хизматга раҳбарликни, уни ўташ устидан назоратни, шунингдек, муқобил хизмат хизматчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя килишни ва ижтимоий кафолатларини таъминлашни тегишли мудофаа ишлари органлари амалга оширилар.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқобил хизматни ўташи Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга, мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**II. Муқобил хизматга чақириш**

5. Фуқароларни муқобил хизматга чақириш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Махкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

6. Фуқароларни муқобил хизматга чақириш жойлардаги давлат ҳокимияти органларига, туман (шахар) чақириқ комиссияларига, ҳокимликларига, шунингдек, тегишли туман (шахар) мудофаа ишлари органларига юклатилади.

7. Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматга чақириладиган фуқаролар ўзларининг кўрсатиб ўтилган рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотларга мансублилиги тўғрисида маълумотнома тақдим этган ҳолда туман (шахар) мудофаа ишлари органларини олдиндан хабардор қиласидилар.

8. Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади.

9. Муқобил хизматга чақириувчиларнинг тиббий кўриги Тинч даврда ва уруш даврида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ туман (шахар) мудофаа ишлари органи томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

10. Туман (шаҳар) чақирув комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида ва тибий кўрик натижаларига мувофиқ фуқароларни муқобил хизматга чакириш тўғрисида тегишли қарор қабул қиласди.

Муқобил хизматни ўтаётган шахслар муқобил хизмат хизматчилари деб юритилади.

Чакириқ санаси ва хизмат ўталаётган жой ҳақидаги белги қўйилган муқобил хизмат хизматчилари гувохномаси фуқароларнинг муқобил хизматга муносабатини тасдиқловчи ҳужжат хисобланади.

11. Муқобил хизматга чакирилган фуқаро унга хизматни ўташ жойи тайинланганлиги тўғрисидаги ва етиб бориш муддати белгиланган ёзма қўрсатмани олиш учун туман мудофаа ишлари бўлимига белгиланган муддатда етиб келади.

Муқобил хизматга чакирилган фуқароларни ўзларининг яшаш жойларидағи, шунингдек мамлакатнинг бошқа минтақаларидағи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга юбориш етиб бориш муддати белгиланган ҳолда якка тартибда амалга оширилади.

Ишга қабул қилинганлик тўғрисида буйруқ чиқарилган кун муқобил хизмат бошланган кун хисобланади.

### **III. Муқобил хизматни ўташ**

12. Муқобил хизматни ўташ Вазирлар Махкамасининг қарори билан белгиланган вазирликлар, идоралар ва концернларнинг корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида амалга оширилади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади. Муқобил хизмат муддати меҳнат стажига қўшилади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро раҳбарлик ва сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, таълим муассасаларига ўқиши мумкин эмас.

13. Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро уни белгиланган жойда ўташи, қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларга, иш жойида амал қиласдиган ички меҳнат тартиби қоидаларига, шунингдек меҳнат шартномаси (контракти) шартларига риоя этиши шарт.

Муқобил хизмат хизматчиларининг корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнат шартномаси (контракт) тузмасдан меҳнат фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

14. Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар фалокатлар, ҳалокатлар ва табиий оғатлар оқибатларини бартараф қилиш ишларига жалб этилган тақдирда юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган ҳамда ана шу оқибатларни бартараф этиш комиссиялари ёки штабларининг жойлардаги раҳбарлари томонидан белгиланадиган маҳсус вазифаларни бажарадилар.

15. Муқобил хизмат хизматчиларини муқобил хизмат ўталадиган бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга ўтказиш:

ходимлар сони (штати) ўзгаришига ёки иш хусусияти ўзгаришига, ёхуд корхонанинг тугатилишига олиб келган технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмларининг қисқариши;

фалокатлар, ҳалокатлар, табиий оғатлар ва фавқулодда ходисаларни тугатиш бўйича ишларни бажарувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни бутлаш зарурияти бўлган ҳолларда амалга оширилади.

Бундай ҳолларда бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш хукуки:

туман (шахар) доирасида — туман (шахар) мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғига;

вилоят доирасида — Вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғига;  
республика доирасида — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг Ташкилий-сафарбарлик бош бошқармасининг бошлиғига берилади.

16. Хизмат даврида муқобил хизматчилари Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган дастурлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва муассасаларида ўтказиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ўкув йифинлари (машғулотлар)га жалб қилинадилар. Ўкув йифинлари тамом бўлгач муқобил хизмат хизматчилари, ўқитиш дастурига мувофиқ қурол-яроғдан фойдаланиш ва қўллаш билан боявлик бўлмаган ҳарбий ҳисобга олиш мутахассислигини оладилар ва ҳарбий қасамёд қиласидилар.

Мудофаа ишлари органлари корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларини олдиндан ва 1 ойдан кечиктиримай муқобил хизмат хизматчиларини ўкув йифинларига жалб қилиш ҳақида хабардор қиласидилар ва кейинчалик муқобил хизмат хизматчиларини йифинлар ўтказиладиган жойга юборишни амалга оширадилар.

17. Муқобил хизматни ўтаётганда меҳнат қобилиятини ўқотган фуқаролар ва ҳалок бўлган фуқароларнинг оиласидар, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун белгиланган нафақалар ва пенсия таъминоти олиш хукуқига эга.

#### **IV. Муқобил хизматдан бўшатиш**

18. Белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига бўшатиладилар.

Муқобил хизмат хизматчиларини бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Фуқаро оиласидан ўзгарганлиги муносабати билан, агар бу ҳол унга қонун хужжатларига мувофиқ чақирилиш муддатини кечикириши ёки чақирилишдан озод этилиш хукуқини берадиган бўлса, муқобил хизматдан муддатидан олдин бўшатилиши мумкин.

19. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига бўшатиладиган муқобил хизмат хизматчилари ҳарбий хизматга чақирилган жойдаги туман (шахар) мудофаа ишлари бўлимига юбориладилар ва улар уч кун муддатда ҳарбий ҳисобга туришлари шарт.

#### **V. Муқобил хизматни ўташ амалга ошириладиган корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг мажбуриятлари**

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шахар) ҳокимликлари корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга тегишли квоталар белгилайди ва муқобил хизмат хизматчиларини иш билан таъминлади.

21. Иш берувчилар:

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ва мудофаа ишлари тегишли органи билан тузилган шартнома шартларига катъий риоя қилишга;

муқобил хизмат қилиш учун келган хизматчилар билан меҳнат шартномаси тузишга;

муқобил хизмат хизматчиларини уставлар, низомлар, ички тартиб-интизом қоидалари, меҳнат ва ўқиши шароитлари билан таниширишга, уларнинг ҳукуқла-ри, бурчлари ва жавобгарликларини тушунтиришга;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидалари юзасидан йўл-йўриклар кўрсатишга;

муқобил хизмат хизматчиларини Куролли Кучларда қўлланиладиган ишчи касбларга ўқитишга;

меҳнат ва турмуш шароитлари яратиб беришга, маҳсус кийим-бош ва асбоблар билан таъминлашга;

текин тиббий хизмат билан таъминлашга;

муқобил хизмат хизматчилари ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришига;

мудофаа ишлари фуқароларнинг муқобил хизматга келганликлари тўғрисида хабардор қилишга, хизматчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг бу-зилиши ва уларнинг узрсиз сабаблар билан хизматга чиқмаслиги ҳоллари тўриси-да хабардор қилишга;

хар ойда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳисоб (бюджетдан ташқари) ракамига муқобил хизмат фаолиятини таъминлаш учун фойдаланилади-ган хизматчилар иш хақининг 20 фоизини ўтказишга;

тегишли шартномалар билан белгиланадиган миқдорларда муқобил хизмат хизматчиларини ишчи касбларга ўқитиш учун маблағ ажратишга мажбурдир

Вазирлар Махкамасининг  
2003 йил 11 мартағи 128-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида муқобил хизматни ўташ амалга ошириладиган вазирликлар ва идоралар РЎЙХАТИ**

1. Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
4. Мудофаа вазирлиги
5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
6. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги
7. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
8. Ўзбекистон монтаж ва маҳсус қурилиш ишлари уюшмаси
9. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси
10. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**50 Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўйидаги мазмундаги 8-банд қўшилсин:

«8. Умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш (уй шароитларида ёки жойлардаги давлат хокимияти органлари қарори билан маҳсус ажратилган жойларда ўтириш ўринлари ташкил этмасдан донали таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш бўйича хизматлар бундан мустасно)».

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 11 март,  
129-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**51 Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 11-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўзгартиришлар киритилин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 март,  
133-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 12 мартағи 133-сон қарорига  
ИЛОВА

**Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида  
тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки  
хисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг учинчи хатбошидаги «ушбу Низомда» сўзлари «қонун ҳужжатларида» сўзлари билан алмаштирилсин.
2. 3-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«Солиқ органининг муддатида тўланмаган солиқлар ва жарима санкцияларини тўлаш тўғрисидаги ёзма талабномаси олингандан (топширилгандан) сўнг ўн кун мобайнида қарздор корхона томонидан қондирилмаслиги ёки жавобсиз қолдирилиши қарзни қарздор корхонанинг мол-мулки хисобидан ундириб олиш тўғрисидаги талаблар билан хўжалик судига ариза бериш учун асос хисобланади».
3. 4-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«Муддатида тўланмаган солиқларни ва жарима санкцияларини қарздор корхона мол-мулки хисобидан ундириб олиш хақидаги ариза солиқ тўловчи хисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари томонидан имзоланади. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:».
4. 5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«5. Хўжалик суди солиқ органи томонидан тақдим этилган ариза қондирилгандан сўнг ундиришни қарздор корхонанинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида қарор қабул қиласди.
- Хўжалик судининг қарори асосида қарзни қарздор корхонанинг мол-мулкидан ундириб олиш суд ижрочилари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».
5. 6-16-бандлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**52 Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган  
муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш  
ҳамда навбатдаги чақирув тўғрисида**

**[Кўчирма]**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:  
муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — резервга;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар — захирага бўшатилсан.

2. 1976–1985 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2003 йилнинг апрель–май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсан.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнida Куролли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинсин.

3. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Куролли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги чақирув комиссияларининг ҳар томонлама таъминлашини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғ. Фуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббиёт текшириб кўрилишини ташкил этсин. Чақирилувчиларни тиббиёт текширишнинг холислиги, шу жумладан муқобил тиббиёт комиссияларининг самарали ишлаши орқали ташкил этисин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 13 март,  
136-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **53 Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ–3214-сон Фармонини амалга ошириш юзасидан ва Республика тиббиёт марказлари фаолияти ташкил этилишини таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг тузилмасига 1-иловага мувофик розилик берилсан.

2. Қўйидагилар:

Республика ихтисослаштирилган урология маркази тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофик;

\* 2-илова берилмайди.

Академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жаррохлик маркази тўғрисидаги низом 3-иловага\* мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази тўғрисидаги низом 4-иловага\* мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази тўғрисидаги низом 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

республика аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий хизмат қўрсатиш бўйича қўрсатиб ўтилган Марказлар фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминласин;

бир хафта муддатда — Марказларнинг директорлигига номзодлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритсан.

4. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирокида икки хафта муддатда Марказларнинг меҳнат жамоалари йиғилишлари ўтиклишини таъминласинлар, йиғилишларда Марказлар кенгашлашти тўғрисидаги низом ҳамда уларнинг шахсий таркиби, Марказлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа зарур хужжатлар тасдиқлансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган:

Республика марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган холда аҳолига пулли асосда юкори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўрсатишнинг Вактинчалик қоидалари 6-иловага мувофиқ;

Ихтисослаштирилган марказлар томонидан пулли асосда қўрсатиладиган тиббий ёрдам учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлашнинг вактинчалик тартиби 7-иловага мувофиқ;

Имтиёзли тоифага кирувчи bemорларни давлат бюджети маблағлари хисобига даволаш қийматини тўлашнинг Вактинчалик тартиби 8-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари билан биргаликда Марказлар фаолияти мониторинги натижалари бўйича 2003 йил мобайнida Вазирлар Маҳкамасига қўрсатиб ўтилган Вактинчалик қоидалар ва тартибларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан таклифлар киритсанлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари билан биргаликда икки хафта муддатда жорий харажатларга бюджет маблағлари сарфини 2004 йилдан бошлаб боскичма-босқич пасайтириш, шунингдек 2008 йилдан кечикмай ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплашга ўтишни назарда тутган холда Марказларни маблағ билан таъминлаш тартиби ва манбалари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Белгилансинки:

ташкил этиладиган Марказлар қайта ташкил этилаётган тиббиёт муассасаларининг хуқуқий ворислари хисобланади;

Марказларга берилаётган давлат мулки даромад (фойда) солиги ва қўшилган қиймат солиги бўйича солиқ солиш обьекти хисобланмайди;

Марказларнинг давлат мулки хисобланган мол-мулки фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган холда гаров, алмаштириш ёки олди-сотди мавзуси бўлиши мумкин.

8. Ташкил этилаётган Марказларнинг зарур моддий-техника базасини шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

---

\* 3, 4, 5-иловалар берилмайди.

Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифохонасининг бинолари, иншоотлари, асбоб-ускуналари ва бошқа мол-мулкини Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази балансига;

Тошкент шаҳар шошилинч тиббий ёрдам шифохонасининг бинолари, иншоотлари, асбоб-ускуналари ва бошқа мол-мулкини Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази балансига берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

ташкил этилаётган Марказларнинг мол-мулкини пухта хатловдан ўтказсин, асосий воситалар (тибиёт муассасаларининг бинолари ва иншоотлари, асбоб-ускуналар, анжомлар, инвентар ва бошқалар) шаклидаги давлат мулки рўйхати ва қийматини, муомаладан ташқари активлар ҳажми ва Марказларнинг устав фондларига ишончли бошқарув хуқуқи билан бериладиган инвестиция мақсадлари учун ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳажмларини аниқласин;

хар бир Марказнинг устав фонди миқдорини, Марказ таъсис этилаётган пайтда давлат мулки ва меҳнат жамоаси улуши миқдорини белгиласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда ўтказилаётган эксперимент боришининг таъсирчан мониторингини таъминласин ҳамда натижалар бўйича ҳар йили январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Х.С. Кароматов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 17 март,  
140-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 17 марта даги 140-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ТУЗИЛМАСИ**

T/p	Марказнинг номи	Таркибий бўлинмалар	
		Маслаҳат поликлиникаси (бир кунда қабул қилинадиган мижозлар сони)	Стационар (ўрин)
1.	Республика ихтисослаштирилган урология маркази	300	100
2.	Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази	300	300
3.	Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази	250	70
4.	Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази	250	160

Вазирлар Махкамасининг  
2003 йил 17 мартағи 140-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Республика марказлари томонидан ташхис қўйиш ва  
даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига  
пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган  
тиббий ёрдам кўрсатишининг  
ВАҚТИНЧАЛИК ҚОИДАЛАРИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Вактинчалик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ва республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари (кейинги ўринларда матнда Марказлар деб юритилади) томонидан аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Ушбу Вактинчалик қоидалар факат Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонига мувофиқ тажриба тариқасида ташкил қилинган Марказларга татбик этилади.

3. Марказлар томонидан аҳолига тиббий ёрдам ташхис қўйиш ва даволашнинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган, юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган стандартларига мувофиқ, пулли асосда кўрсатилади.

4. Марказлар мижозларни қабул қиласи ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтоҷ беморларни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-анжомларидан фойдаланган ҳолда даволайди.

5. Марказлар қуидаги асосий йўналишлар бўйича тиббий ёрдам кўрсатади:  
аҳолини маслаҳат бериш учун қабул қилиш;  
лаборатория-ташхис хизматлари кўрсатиши;  
амбулаторияда ёрдам кўрсатиши;  
стационарда ёрдам кўрсатиши;  
реабилитация ёрдами кўрсатиши.

Тиббий ёрдамнинг юқорида қайд этилган турларини кўрсатиш вақтида кўшимча тиббий сервис хизматлари хам кўрсатилиши мумкин.

6. Марказлар ихтисослашувига ва малакали кадрлар, моддий-техника базаси, замонавий, юқори технологияли ташхис қўйиш ҳамда даволаш анжомлари билан таъминланганлик даражасига кўра тиббий хизматларнинг аниқ рўйхатини, қийматини ва кўрсатилиш шарт-шароитларини белгиланган тартибда мустақил равища белгилайдилар.

**II. Мижозларни қабул қилиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган  
тиббий ёрдамга муҳтоҷ беморларни даволаш тартиби**

7. Аҳоли Марказларнинг маслаҳат поликлиникалари томонидан қабул қилинади, уларнинг рўйхатга олиш бўйимлари фуқароларни бепул, тушунарли ва ишончли аҳборотлар билан таъминлаши шарт, аҳборотларда шифохонанинг жойлашган жойи, иш тартиби, тиббий хизматларнинг қиймати кўрсатилган рўйхати, ушбу хизматларни кўрсатиш ва улардан фойдаланиш шартлари, шунингдек мутахассис шифокорларнинг малакаси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

8. Мижозларни қабул қилишни рўйхатдан ўтказиш Марказларнинг маслаҳат поликлиникалари рўйхатга олиш бўлимларида амалга оширилади, бу ерда ҳар бир мижозга паспорти маълумотлари асосида амбулатория картаси очилади.

9. Тиббий рўйхатга оловчилар биринчи марта келган шахсларни ва амбулатория шароитида тўлиқ даволанишга келган мижозларни алоҳида-алоҳида рўйхатдан ўтказиши керак.

10. Марказларга амбулатория шароитида тўлиқ даволанишга келган шахслар тиббий рўйхатга оловчи томонидан мижознинг амбулатория картасидаги ёзувларга мувофиқ бевосита даволовчи мутахассис шифокорга юборилади.

11. Марказларга биринчи марта келган шахслар белгиланган прейскурант бўйича тиббий рўйхатга оловчи томонидан ёзиб берилган счёт-фактурани тўлагандан кейин маслаҳат олиш учун мутахассис шифокорга юборилади.

Счёт-фактурани тўлаш банк муассасасида ёки Марказларда, назорат-касса аппаратлари қўлланган ва қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланадиган бланкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Мижоз банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхасини ёки чекни (нақд пул билан тўланган тақдирда) рўйхатга олиш бўлимига топширади.

12. Маслаҳат бериш вақтида мутахассис шифокор мижозни дастлабки ташҳисдан ўтишга юборади, ташҳис натижаларига кўра касалликни ва амбулатория ёки стационар шароитида даволаш курсини белгилайди, зарурат бўлганда эса, мижозга тасдиқланган ташҳис қўйиш ва даволаш стандартларига мувофиқ қўшимча ташҳис тартиботини белгилайди.

13. Амбулаторияда ёки стационарда даволаш курсини амалга оширишга қарор қилингандан кейин маслаҳат берувчи мутахассис шифокор мижознинг амбулатория картасини ва ташҳис текширувлари натижаларини рўйхатга олиш бўлими орқали тегишли равишда амбулаторияда даволаш учун Марказ поликлиникасига ёки Марказнинг стационар бўлимига беради.

14. Марказ поликлиникасининг ёки стационар бўлимининг даволовчи мутахассис шифокори маслаҳат берган шифокордан олинган маълумотлар асосида даволаш курсини белгилайди, уни мижознинг амбулатория картасига батафсил ёзади ва пулли тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан шартномани расмийлаштириш учун рўйхатга олиш бўлимига беради.

15. Пулли тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан шартнома ушбу Вақтинчалик қоидаларга иловага мувофиқ шакл бўйича икки ёхуд уч нусхада тузилади, уларни мижоз, унинг ҳомийси (у мавжуд бўлганда) ва Марказ директори ёки мазкур функциялар меҳнат вазифаларига мувофиқ зиммасига юклangan ваколатли шахс имзолайди, шартномалар бир нусхадан мижозга ва унинг ҳомийсига (у мавжуд бўлганда), шунингдек Марказнинг ҳужжатлар йигма жилдларида сақлаш учун берилади.

Бу ҳолда, фақат юридик шахс — иш берувчи ёки беморни даволаш қийматини мурувват тариқасида тўлаган бошқа ташкилот ҳомий бўлиши мумкин. Бюджет ташкилотлари ўз ходимларининг даволаниш қийматини бюджет маблағлари ҳисобига тўлаши тақиқланади.

16. Мижозга амбулаторияда ёки стационарда тиббий ёрдам ташҳис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ кўрсатилади.

17. Ташҳис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига на зарда тутилмаган қўшимча даволаш ва ташҳис тартиботлари:

мижозда қўшимча касалликлар топилганда, уларнинг ташҳис қўйиш ва даволаш харажатлари келишувга кўра ҳамда мижоз ёхуд унинг ҳомийси ҳисобига копланганда;

Марказ томонидан кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида ёки Марказ мутахас-

сисларининг нотўғри ташҳиси ва хатти-харакатлари туфайли пайдо бўлган, даволаш харажатлари Марказнинг ўз маблағлари ҳисобига қопланадиган асоратлар келиб чиқсанда амалга оширилади.

18. Мижоз ёки унинг ҳомийси мижозда қўшимча касалликлар аниқланганлиги туфайли кўрсатилиши зарур бўлган қўшимча тиббий ёрдам ҳажми учун тўловни рад этган тақдирда, мижоз ташҳис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига мувофиқ назарда тутилган ва қиймати тўланган тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда олгандан кейин, Марказ томонидан мижозни шифохонадан чиқариш ёки уни яшаш жойидағи соғлиқни сақлаш муассасасига ўтказиш масаласи қўйилади.

### **III. Тиббий ёрдам қийматини тўлаш тартиби**

19. Марказлар томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам учун олдиндан тўлиқ тўлаш шартларида, ташҳис ва даволаш сифатининг тасдиқланган тарифлари ва стандартларидан келиб чиқсан ҳолда, ҳам нақд маблағлар билан Марказ кассасига, ҳам пул маблағларини Марказнинг бюджетдан ташқари депозит ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан ҳак тўланади.

20. Аҳолидан нақд маблағларни қабул қилиб олиш бўйича касса операциялари Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **IV. Мижозлар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш тартиби**

21. Тиббий рўйхатга олувчи мижозларнинг амбулатория карталарини алифбо тартибida (фамилиялар бўйича), мижозларнинг туғилган йили бўйича ажратган ҳолда саклаши керак.

22. Тиббий рўйхатга олувчи томонидан мижозлардан (уларнинг ҳомийларидан) қабул қилиб олинган тўлов хужжатлари нусхалари иш куни давомида Марказнинг бош бухгалтерига топширилади. Марказнинг бош бухгалтери тиббий рўйхатга олувчига белгиланган тартибда рўйхатга олиш бўлимида сақланиши керак бўлган қабул қилиб олинган тўлов хужжатлари квитанциялари нусхасини беради, тиббий рўйхатга олувчи, назорат-касса аппарати маълумотлари билан пул ўтказиш бўйича Марказнинг маҳсус ҳисоб рақамига тушган маблағларни таққослади.

23. Марказ кўрсатилган пулли тиббий хизматлар натижаларининг статистик ва бухгалтерия ҳисобини юритиши шарт, у талаб қилинадиган ҳисботни тузади ва уни амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этади.

### **V. Истеъмолчининг хуқуқлари ва Марказнинг жавобгарлиги**

24. Мижозларнинг сифатли тиббий ёрдам олиш хуқуқлари «Истеъмолчиларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар билан химоя қилинади.

25. Тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан тузилган шартномага кўра хизматларни бажариш муддатлари ва сифати бўйича мажбуриятлар Марказ томонидан бажарилмаган тақдирда мижоз ўз танловига кўра:

хизматлар кўрсатишнинг янги муддатини белгилашга;

хизматларнинг бошқа мутахассислар томонидан бажарилишини талаб қилишга;

шартномани бекор қилишга ва кўрилган заарларнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

26. Мижозлар билан Марказ ўртасида пайдо бўладиган эътиrozлар ва низолар томонларнинг келишувига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлариға мувофиқ суд тартибида хал қилинади.

27. Ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига Марказ томонидан амал қилиниши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан даврий ҳисоботларни таҳлил қилиш ва жойларда режали текширишлар ўтказиш йўли билан назорат қилинади.

28. Марказ директори, шунингдек Марказнинг даҳлдор ходимлари ўзларининг айби билан мижозлар саломатлигига етказилган зиён ёки улар нобуд бўлган ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлариға мувофиқ интизомий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Республика марказлари томонидан  
ташхис қўйиш ва даволаш сифати  
стандартларига риоя қилган ҳолда ахолига  
пулли асосда юкори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишининг  
Вақтинчалик қоидаларига  
ИЛОВА

### **Пулли тиббий ёрдам кўрсатиши тўғрисида ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри \_\_\_\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Республика ихтисослаштирилган \_\_\_\_\_ маркази номидан Марказ тўғрисидаги низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Бажарувчи» деб юритилувчи, Марказ директори \_\_\_\_\_ бир томондан, \_\_\_\_\_

(Ф. И. О.)

\_\_\_\_\_ да яшовчи, кейинчалик «Мижоз» деб юритилувчи фуқаро \_\_\_\_\_

(Ф. И. О., паспорт серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи)  
иккинчи томондан, \_\_\_\_\_

(мазкур Шартномага ҳақ тўловчи юридик шахснинг номи)  
номидан \_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи,

(Устав, Низом, ишончнома)  
кейинчалик «Хомий» деб юритилувчи \_\_\_\_\_ учинчи

(Ф. И. О., лавозими)

томондан мазкур Шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

#### **1. Шартнома мавзуси**

1.1. Мазкур Шартнома бўйича Бажарувчи Мижозга кўйида кўрсатилган ҳажмда ва муддатда тиббий хизматлар кўрсатади, Мижоз/Хомий (зарур бўлмагани чи зилсин) эса мазкур Шартнома барча томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида ушбу хизматларга белгиланган тарифлар бўйича олдиндан

ҳақ тўлаш шартларида Бажарувчининг кассасига ёхуд Бажарувчининг \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон депозит хисоб рақамига ҳақ тўлайди.

Тиббий хизматлар рўйхати	Тиббий ходимнинг номи ва илмий даражаси	Бирликлар сони	Бирлик қиймати	Умумий қиймати	Хизматларни бажариш муддатлари
1.					
2.					
Жами:		X	X		

1.2. Хизматлар Бажарувчи ва Мижоз томонидан Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб хисобланади.

## 2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. Бажарувчи қўйидагиларга мажбурдир:

- а) Мазкур Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида тибиёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юксак даражасида кўрсатиш;
- б) счёт-фактура билан расмийлаштирилган амалдаги харажатлар натижалари бўйича фойдаланилмай қолган маблағларни Мижозга/Хомийга (зарур бўлмагани чизилсин) қайтариш;
- в) Мижозга амалда кўрсатилган тиббий хизматлар, фойдаланилган дори-дармонлар ва овқат учун счёт-фактурани Мижозга/Хомийга бериш;
- г) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вактида тузиш ва имзолаш;
- д) Мижознинг соғлиги ҳолати тўғрисидаги врач сирини ошкор қиласли;
- е) зарурият бўлганда ёки Мижознинг талабига кўра Мижоз/Хомий томонидан қўшимча ҳақ тўланмасдан врачлар консилиумини чақириш;
- ж) агар хизматларни кўрсатиш жараёнда Бажарувчи мазкур Шартнома шартларидан хизматлар сифатини ёмонлаштирувчи чекинишларга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча нуқсонларни Мижознинг талабига кўра \_\_\_\_ кун мобайнida текин тузатиш;
- з) Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан Мижознинг соғлиғига етказилган зиённи, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиқкан заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш;
- и) Мижоз ва Хомийнинг ҳуқуқларига риоя қилиш.

### 2.2. Бажарувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- а) Мижоздан Бажарувчининг ички тартиб-қоидаларига, даволаш режимига, Бажарувчининг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилинши талаб этиш;
- б) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган кўрсатиладиган хизматлар қийматига ҳақ тўлаш шартларига риоя қилинмаган тақдирда мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш;
- в) Мижознинг айби билан Бажарувчининг мол-мулки ва ходимларига етказилган зиён ва заарлар тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ва Мижоздан олиш.

### **2.3. Мижоз қуидагиларга мажбурдир:**

- а) Бажарувчининг ички тартиб-коидаларига, даволаш режимига, Бажарувчнинг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилиш;
- б) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган шартларда хизматларнинг тўлиқ қийматини Бажарувчига ўз вақтида тўлаш (агар бу мазкур Шартнома бўйича Хомийнинг мажбурияти ҳисобланмаса);
- в) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вақтида имзолаш;
- г) ўзининг айби билан Бажарувчининг мол-мулки ва ходимларига етказилган зиён ва заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш.

### **2.4. Мижоз қуидаги хукуқларга эга бўлади:**

- а) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида тибиёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юқори даражасида олиш;
- б) тиббий ёрдам кўрсатишнинг тасдиқланган тартиб-коидалари, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, тарифлар билан танишиш;
- в) счёт-фактура билан расмийлаштирилган амалдаги харажатлар натижалари бўйича фойдаланилмай қолган маблағлар қайтарилишини талаб қилиш ва олиш;
- г) ўзига амалда кўрсатилган тиббий хизматлар учун счёт-фактурани, шунингдек хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаларининг бир нусхасини олиш;
- д) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси мазмунига рози бўлмаган тақдирда, ушбу далолатномани мавжуд мулоҳазаларни ёзма равишда кўрсатган холда имзолаш;
- е) ўзининг соғлиги холати тўғрисидаги врач сирини ошкорлик қилмаслик;
- ж) қўшимча ҳақ тўламасдан врачлар консилиумини чакиришни талаб қилиш;
- з) агар хизматлар кўрсатиш жараёнида Бажарувчи мазкур Шартнома шартларидан хизматлар сифатини ёмонлаштирувчи чекинишга йўл қўйган бўлса, Бажарувчидан барча аниқланган нуқсонларни \_\_\_\_кун мобайнида текин тузатишни талаб қилиш;
- и) Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан Мижознинг соғлиғига етказилган зиён, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиқсан барча заарлар тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ва Бажарувчидан олиш;
- к) Бажарувчини \_\_\_\_кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш.

**2.5. Ҳомий** мазкур Шартноманинг 1.1-банди шартларига мувофиқ хизматларнинг тўлиқ қийматини Бажарувчига ўз вақтида тўлаши **шарт**.

### **2.6. Ҳомий қуидаги хукуқларга эга бўлади:**

- а) Мижозга амалда кўрсатилган тиббий хизматлар учун счёт-фактурани, шунингдек хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаларининг бир нусхасини олиш;
- б) тиббий ёрдам кўрсатишнинг тасдиқланган тартиб-коидалари, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, тарифлар билан танишиш;
- в) агар Бажарувчи томонидан қўшимча тиббий хизматлар ва бошқа хизматлар

тайинланган тақдирда, Ҳомийнинг маблағлари хисобига бошқа тиббиёт муассасалари томонидан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказилишини талаб қилиш;

г) счёт-фактуралар ва хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари билан расмийлаштирилган амалдаги харажатлар натижалари бўйича фойдаланилмай қолган маблағлар қайтарилишини талаб қилиш ва олиш;

д) мазкур Шартнома шартлари Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан бузилган тақдирда, \_\_\_\_кун олдин Бажарувчини ёзма равишда огоҳлантириб, шартномани бир томонлама бекор қилиш ва тўланган маблағлар қайтарилишини Бажарувчидан талаб қилиш.

### **3. Томонларнинг жавобгарлиги**

3.1. Мазкур Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёхуд зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар бир-бирининг олдида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

3.2. Хизматлар кўрсатишнинг Шартномада белгиланган муддатлари бузилганини учун «Истеъмолчиларнинг ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида белгиланган тартибда ва миқдорда Мижозга муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима тўланади.

3.3. Томонларнинг келишувига кўра муддати ўтказиб юборилганлиги учун тўланаидиган жарима Бажарувчи томонидан Мижозга қўшимча хизматлар кўрсатилиши хисобига бажарилиши мумкин.

3.4. Муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима тўланиши томонларни мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишидан ёки ушбу мажбуриятларнинг улар томонидан йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

3.5. Томонларнинг ҳар бири, агар бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч оқибатида ёки мазкур Шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятлари бошқа томон томонидан бажарилмаслиги ёки ноҳалол бажарилиши сабабли юз берганлигини исбот қиласа, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун жавогбарликдан озод қилинади.

### **4. Шартноманинг бошқа шартлари**

4.1. Бажарувчи томонидан тиббий хизмат кўрсатилиши ёки Бажарувчи ходимларининг нотўри ташҳиси ва хulosалари туфайли салбий оқибатлар пайдо бўлган тақдирда, Бажарувчи Мижоз учун қўшимча ташҳис қўйиш ва даволаш ёрдами, дори-дармонлар ва овқат қийматини ўз маблағлари хисобидан тўлайди.

4.2. Мижозда қўшимча касалликлар аниқланган тақдирда, Мижозга қўшимча ташҳис қўйиш ва даволаш ёрдами кўрсатиш, дори-дармонлар ва овқат қиймати мазкур Шартномага қўшимча битим асосида Мижоз / Ҳомий томонидан тўланади.

4.3. Мазкур Шартномада тартибга солинмаган масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласидилар.

### **5. Низоларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажариш пайтида пайдо бўлиши мумкин бўлган ни-

золар ва келишмовчиликлар имкони борича томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ судда кўриб чиқилиши керак.

## 6. Якуний қоидалар

6.1. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган бўлса ва томонларнинг бунга вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ва мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

6.2. Мазкур Шартнома уни барча томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

6.3. Мазкур Шартнома ҳар бир томон учун бир нусхадан икки/уч нусхада тузилади. Барча нусхалар ўхшаш ва бир хил юридик кучга эгадир.

## 7. Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари

**БАЖАРУВЧИ  
Республика  
иҳтинослаштирилган  
маркази**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(тўлиқ номи, манзили)  
x/p № \_\_\_\_\_  
МФО \_\_\_\_\_  
СИР \_\_\_\_\_  
Директор \_\_\_\_\_  
(Ф. И. О.)  
М. Ў. \_\_\_\_\_ имзо

**МИЖОЗ**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(Ф. И. О.)  
(паспорт рақами ва  
серияси, ким томонидан  
ва қачон берилган)  
\_\_\_\_\_  
(Яшаш жойи)

**ҲОМИЙ**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(тўлиқ номи, манзили)  
x/p № \_\_\_\_\_  
МФО \_\_\_\_\_  
СИР \_\_\_\_\_  
Рахбар \_\_\_\_\_  
(Ф. И. О.)  
М. Ў. \_\_\_\_\_ имзо

Вазирлар Мажкамасининг  
2003 йил 17 мартағи 140-сон қарорига  
7-ИЛОВА

## Иҳтинослаштирилган марказлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлашнинг **ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ**

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган хамда республика иҳ-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

тисослаштирилган марказлари (кейинги ўринларда матнда «Марказлар» деб юритилади) томонидан ахолига пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам турларига тарифларни шакллантириш, тасдиқлаш ва қўллашнинг асосий қоидалари ва усулларини белгилаб беради.

2. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонига мувофиқ эксперимент тартибида ташкил этилган Марказларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Марказлар жорий таъминотга бюджетдан маблағ билан таъминлаш босқич-ма-босқич қисқартирилиши ва 2008 йилдан кечикмай ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплашга ўтишни ҳисобга олган ҳолда кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг барча турларига тарифларни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Соғликни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда мустакил равишда белгилайди.

Марказлар кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига мувофиқлигини таъминлашлари шарт.

4. Рўйхати Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тиббий ёрдамнинг айrim мураккаб юқори технологияли (киммат) турларига имтиёзли тарифлар харажатларнинг бир қисмини тегишли йил учун кўрсатилган мақсадлар учун назарда тутилган давлат бюджети маблағлари доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига қоплаш ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилади.

## **II. Марказлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам учун тарифларни шакллантириш тартиби**

5. Марказлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам учун тарифлар тиббий хизматларнинг мазкур тури учун ташхис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг харажатларни маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннахига киритиш ва молиявий натижаларни шакллантиришга оид талабларини ҳисобга олган ҳолда тиббий хизматлар таннахи калькуляцияси асосида шакллантирилади.

Бунда:

мехнатга ҳақ тўлашга харажатлар Ягона тариф сеткаси бўйича ҳозирги вактда амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва базавий маошлардан келиб чиқиб қабул қилинади;

дори-дармонларга харажатлар устаманинг чекланган миқдорини 20 фоизгача кўлланилган ҳолда ишлаб чиқарувчиларнинг улгуржи сотиш нархларидан (контракт қиймати ёки импорт бўйича харид) келиб чиқиб қабул қилинади.

6. Марказлар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар қиймати:

амалдаги нархлар ва тарифлардан, молиявий нормалар ва нормативлардан келиб чиқиб хизматлар (ишлар, маҳсулотлар) таннахига киритиладиган харажатлардан;

давр харажатларига киритиладиган харажатлардан (маъмурий-бошқарув ходимлари таъминоти ва бошқа операция харажатлари);

чекланган миқдори умуман Марказ бўйича тиббий хизматлар (ишлар, маҳсулотларни шакллантиришга оид талабларини ҳисобга олган ҳолда тиббий хизматлар таннахи калькуляцияси асосида шакллантирилади).

лотлар) қийматининг 15 фоизи даражасидан ошмаслиги керак бўлган фойда нормасидан келиб чиқиб шакллантирилади.

7. Амалдаги прейскурантларда бажарилиши бир марталик хусусиятга эга бўлган тиббий хизматларнинг айрим турларига тарифлар мавжуд эмаслиги Марказда бундай хизматларни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда уларни кўрсатишни мижозларга рад этиш учун Марказга асос бўлиб хизмат қилмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган холлар пайдо бўлган тақдирда Марказ раҳбари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги билан келишган холда бажарилган тиббий хизматлар тури, ҳажми ва қийматини кўрсатиб бир марталик хусусиятга эга бўлган кўрсатиладиган тиббий хизматларга тарифларни мустақил равишда тасдиқлайди.

8. Тарифларни шакллантиришда Марказлар 2012 йил 31 декабргача бўлган даврда тиббий хизматлар қийматига амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ соликлар ва божхона тўловларини тўлик миқдорда киритадилар. Бунда бюджетта соликлар ва божхона тўловлари тўлашдан озод этиш натижасида бўшаб қолган сумма 10 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ Марказларни ривожлантириш ва жихозлашга мақсадли йўналтирилади.

### **III. Тарифларни белгилаш, тасдиқлаш ва қўллаш тартиби**

9. Марказлар кўрсатилаётган тиббий хизматларга ўзлари томонидан ишлаб чиқиладиган тарифларни келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигига бажариладиган хизматлар ҳажмини ва бажарилган бујортмалар (хизмат кўрсатилган мижозлар) сонини кўрсатган холда хизматларга тарифларнинг лойиҳалаштирилаётган даражаларини, хизматлар, вақт нормаси, асосий ва қўшимча материаллар сарфи нормасининг тасдиқланган тавсифларини, хизматларнинг мазкур турига калькуляцияни ҳамда тушунтириш хатини тақдим этадилар.

Тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилгандан кейин Марказлар мазкур Вақтинчалик тартибга иловага мувофиқ шакл бўйича пуллик тиббий хизматларга нархлар прейскурантларни тасдиқлайдилар.

10. Ахолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатишида Марказлар белгиланган тартибда тасдиқланган прейскурантлар бўйича нархларни қўллайди.

Марказларнинг пулли тиббий хизматларига нархлар прейскурантлари Марказларнинг маслаҳат поликлиникалари рўйхатга олиш бўлимлари ва кассасида кўзга кўринарли жойга ёпиштириб қўйилади.

11. Кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматлар таннархига таъсир кўрсатувчи омиллар ўзгарган тақдирда Марказлар тарифларга белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритади.

### **IV. Марказлар томонидан кўрсатиладиган пуллик тиббий ёрдам учун тарифлар тўғри қўлланилишини назорат қилиш ва унинг учун жавобгарлик**

12. Марказларнинг раҳбарлари хизмат кўрсатиш шаклларидан қатъи назар, мижозларга тиббий хизматлар ўз вақтида, тўлик ва сифатли кўрсатилиши, шунинг

дек пуллик тиббий хизматларга тарифларни шакллантириш тартибига риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан жавоб берадилар.

13. Белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлар тўғри қўлланилиши назорат қилиниши Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-кувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига юкланади.

14. Тиббий хизматларнинг айрим турларига янги тарифлар тасдиқлангандан кейин хизматларнинг мазкур турига илгари амал қилган барча вақтинча тарифлар ўз кучини йўқотади.

Ихтисослаштирилган марказлар томонидан  
пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам  
учун тарифларни шакллантириш ва тасдиқлашнинг Вақтинчалик тартибига  
ИЛОВА

КЕЛИШИЛГАН  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги

ТАСДИҚЛАЙМАН

(Марказнинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан  
чиқариш ва рақобатни қўллаб-кувватлаш  
давлат қўмитаси

(Директорнинг имзоси)  
200\_\_ йил «\_\_»

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

га  
(хизматлар номи)

### ПРЕЙСКУРАНТ

\_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача амал қилади

T/p	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Тариф (нарх) — сўм

Масъул \_\_\_\_\_  
(имзо)

Изоҳ:

1. Қўшимча прейскурантга илова сифатида меҳнат ва моддий харажатлар ёйиб кўрсатилган ҳолда режали калькуляция бўлиши керак.
2. Қўшимчаларнинг тартиб рақами Марказнинг тарифлар (нархлар)ни рўйхатдан ўтказиш дафтари бўйича кўрсатилади.
3. Дафтарда қўйидаги устунлар назарда тутилиши керак:  
хизматлар номи;

---

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

нарх тасдиқланган сана;  
буйруқнинг тартиб рақами;  
нархнинг амал қилиш муддати;  
изоҳ.

4. Келишиб олиш ҳар бир вазирлик ва идорада уч иш кунида амалга оширилади.

Вазирлар Махкамасининг  
2003 йил 17 мартағи 140-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Имтиёзли тоифага киравчи bemorlarни давлат бюджети  
маблағлари ҳисобига даволаш қийматини тўлашнинг  
ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Вактинчалик тартиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари (кейинги ўринларда матнда Марказлар деб юритилади) томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда имтиёзли тоифага киравчи шахсларга давлат бюджети ҳисобига кўрсатиладиган тиббий хизматлар қийматини тўлаш масалаларини тартибга солади.

2. Ушбу Вактинчалик тартибнинг амал қилиши фақат:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонига мувофиқ тажриба тариқасида ташкил этилган Марказларга;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармонига 2-иловада келтирилган, замонавий, юқори технологияли ташҳис ва даволаш асбоб-анжомлари қўлланилган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахсларга татбиқ этилади.

**II. Имтиёзли тоифага киравчи bemorlarга тиббий ёрдам кўрсатиш  
тартиби**

3. Имтиёзли тоифага киравчи шахсларни қабул қилиш Марказларнинг маслаҳат поликлиникалари томонидан соғлиқни сақлашни бошқариш худудий органлари ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган йўлланмалар асосида амалга оширилади.

Марказларда тиббий ёрдам олиш учун бериладиган йўлланма қатъий ҳисобда турадиган хужжат ҳисобланади, унинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Имтиёзли тоифага киравчи шахслар йўлланмадан ташқари, шунингдек касаллик тарихидан (амбулатория картасидан) кўчирма ва уларнинг шахсини ҳамда имтиёзли тоифадаги шахслар жумласига мансублигини тасдиқловчи хужжатларни ҳам тақдим этишади.

Мазкур хужжатлар белгиланган намуна бўйича касаллик тарихи очиш учун асос ҳисобланади.

4. Имтиёзли тоифага киравчи шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби Республика марказлари томонидан ташҳис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига

риоя қилган ҳолда ахолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг Вактинчалик қоидаларига ўхшашdir.

5. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий ёрдам бюджет маблағлари хисобига, ушбу Вактинчалик тартибга иловага мувофиқ шакл бўйича Марказ ва мижоз ўртасида тузиладиган шартнома асосида кўрсатилади.

6. Шошилинч ёрдамга муҳтож bemorlar Марказ Directorining, у бўлмагандан эса Marказning масъул навбатчи врачанинг билдиришномаси билан қабул қилинади. Marказлар томонидан шошилинч тиббий ёрдам bemorlarни Шошилинч тиббий ёрдам марказларида даволашнинг белгиланган чекланган муддатларига мувофиқ кўрсатилади ва уларнинг шифохонага ётқизилиши кейинчалик белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида расмийлаштирилади.

### **III. Бюджет маблағлари миқдорини белгилаш тартиби**

7. Давлат бюджети маблағларини олиш учун Марказ томонидан навбатдаги молия йили учун бюджет маблағлари олишга буюртманома тузилади, у қуидаги лардан келиб чиқкан ҳолда хисоблаб чиқилади:

имтиёзли тоифага кирувчи bemorlar поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига кадар ҳажмда бўлиши;

ташҳис қўйиш ва даволаш сифатининг белгиланган тартибда тасдиқланган стандартлари, Марказ томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдамга белгиланган тарифлар, шу жумладан тиббий ёрдамнинг айrim мураккаб, юқори технологияли (қимматли) турларига белгиланган имтиёзли тарифлар — бундай тиббий ёрдам турлари рўйхати ва уларнинг сарф-харажатларини қоплаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади;

барча турдаги солиқлар ва божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви ўйғимларидан ташқари) хисоблаш ва давлат бюджетига тўламаслик натижасида бўшайдиган маблағлар ҳажмининг прогноз ҳисоб-китоблари, шунингдек бўшайдиган мазкур маблағларни Марказни ривожлантириш ва замонавий тиббий асбоб-ажомлар билан жиҳозлашга йўналтириш.

8. Навбатдаги йил учун бюджет буюртманомаси Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига жорий йилнинг 1 июнидан кечикмай тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказларнинг бюджет буюртманомаларини кўриб чиқиб, умумлаштиргандан кейин навбатдаги йил учун Марказлар бўйича ўйғма бюджет буюртманомасини, Марказлар бўйича харажатларни алоҳида параграф билан ажратган ҳолда, жорий йилнинг 1 июлидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

9. Марказни жиҳозлаш учун бюджет маблағлари ҳажмини прогнозлаштириш вақтида Марказга берилган солиқ имтиёzlари натижасида бўшайдиган маблағлар суммаси хисобга олинади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги навбатдаги молия йили учун давлат бюджети параметрлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин бир хафта муддатда, Марказлар учун бюджет маблағлари ҳажмини хар бир Марказ бўйича тақсимлаган ҳолда алоҳида сатр билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига етказади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бюджет маблағлари ҳажмларини, Марказларнинг имтиёзли тоифадаги bemorlariga (поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига кадар ҳажмда) бепул

тиббий хизмат кўрсатиш бўйича харажатларини қоплашга ҳамда ахолига имтиёзли тарифлар бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш харажатларини қоплашга мақсадли маблағларни алоҳида сатр билан ажратган ҳолда Марказларга етказади.

11. Марказ ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида мустакил равишида:

келгуси йил учун бизнес-режани ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Марказ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда Ягона тариф сеткаси бўйича базавий маошлардан ва миқдори чеклаб қўйилмайдиган устама хақдан келиб чиққан ҳолда лавозим маошларини белгилайди.

#### **IV. Марказни давлат бюджети маблағлари билан молиялаштириш тартиби**

12. Давлат бюджети маблағлари Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги томонидан Марказга ҳар ойда, моддалар бўйича тақсимланмасдан алоҳида қаторда ажратилади ҳамда Марказнинг банк муассасасидаги маҳсус бюджет ҳисоб рақамига ўтказилади. Бюджет маблағларидан:

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга поликлиникаларнинг мавжуд ўрни ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда бепул асосда, юқори малакали ихтинослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплаш;

Тиббий ёрдамнинг айрим мураккаб, юқори технологияли (қимматли) турларига Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган имтиёзли тарифлар бўйича ахолига тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича Марказ харажатларини қоплаш учун фойдаланилиши мумкин.

13. Беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш харажатлари имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни шифохонага жойлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигига расмийлаштириш (юбориш) йўли билан уларга юқори малакали ихтинослаштирилган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўланади.

14. Даволанган имтиёзли тоифага кирувчи шахслар ва имтиёзли тарифлар бўйича даволанган ахолининг ҳақиқий сони учун Марказ ва Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда амбулаторияда ва стационарда кўрсатилган тиббий ёрдам қиймати ташҳис ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларида, амалдаги тарифлардан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

15. Ташҳис қўйиш ва даволаш сифатининг тасдиқланган стандартларида назарда тутилмаган қўшимча даволаш ва ташҳис қўйиш тартиботлари, агар уларни амалга ошириш зарурияти мижозда қўшимча касалликлар топилиши туфайли пайдо бўлган тақдирда, давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Бунда мижознинг қиймати давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўланадиган даволанинда бўлишининг чекланган муддати ташҳис ва даволаш сифатининг белгиланган стандартларида белгиланган муддатдан З кундан ошмаслиги керак.

Кўшимча даволаш ва ташҳис қўйиш тартиботлари Марказ томонидан кўрсатилган тиббий ёрдам асорати ёки Марказ ходимларининг нотўғри ташҳиси ва хат-

ти-харакати сабабли кўрсатилган тақдирда қўшимча харажатлар Марказнинг ўз маблағлари ҳисобига қопланади.

16. Бюджетдан маблағ ажратиш, молиявий таъминотнинг мустахкамланиб бориши, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплашга эришилишига қараб уни босқичма-босқич қисқартириб бориш ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

17. Молия йили охирида бюджет маблағларининг фойдаланилмай қолган суммаси бюджеттага олиб кўйилмайди ва Марказ ихтиёрида қолади, улардан келгуси молия йилида:

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга поликлиникаларнинг мавжуд ўрин фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизига қадар ҳажмда бепул асосда, юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

тиббий ёрдамнинг айрим мураккаб, юқори технологияли (қимматли) турлари тарифларини арzonлаштириш;

Марказни ривожлантириш ва жиҳозлаш учун фойдаланиш мумкин.

#### V. Ҳисобот бериш

18. Марказ ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Молия вазирлигига бажарилган тиббий хизматлар ҳажми тўғрисида, беморларни пулли ва имтиёзли тоифалар бўйича ажратган ҳолда ҳисобот тақдим этади.

Беморларнинг имтиёзли тоифасини  
давлат бюджети маблағлари ҳисобига  
даволаш қийматини тўлашнинг  
Вактинчалик тартибида  
ИЛОВА

#### **Имтиёзли тоифага кирувчи беморга давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

й. «\_\_\_»

Республика ихтисослаштирилган \_\_\_\_\_ маркази номидан Марказ тўғрисидаги низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик «Бажарувчи» деб юритилувчи, Марказ директори \_\_\_\_\_ бир томондан,

(Ф. И. О.)

\_\_\_\_\_ да яшовчи, кейинчалик «Мижоз» деб юритилувчи фуқаро\_\_\_\_\_

(Ф. И. О., паспорт серияси ва рақами,

\_\_\_\_\_ иккинчи томондан, мазкур Шартномани қўйидагилар берилган санаси ва жойи)  
тўғрисида туздилар.

#### **1. Шартнома мавзуси**

1.1. Мазкур Шартнома бўйича Бажарувчи Мижозга қўйида кўрсатилган ҳажмда ва муддатларда тиббий хизматлар кўрсатади, ушбу тиббий хизматлар учун Бажарувчига давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

Тиббий хизматлар рўйхати	Тиббий ходимнинг номи ва илмий даражаси	Бирликлар сони	Бирлик қиймати	Умумий қиймати	Хизматларни бажариш муддатлари
1.					
2.					
Жами:		X	X		

1.2. Хизматлар Бажарувчи ва Мижоз томонидан Хизматларни қабул қилиш топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб хисобланади.

## 2. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

### 2.1. Бажарувчи қўйидагиларга мажбурдир:

- а) Мазкур Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида тибиёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юксак даражасида кўрсатиш;
- б) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вақтида тузиш ва имзолаш;
- в) Мижознинг соғлиги ҳолати тўғрисидаги врач сирини ошкор қиласли;
- г) зарурият бўлганда ёки Мижознинг талабига кўра врачлар консилиумини чакириш;
- д) агар хизматларни кўрсатиш жараёнида Бажарувчи мазкур Шартнома шартларидан хизматлар сифатини ёмонлаштирувчи чекинишларга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча нуқсонларни Мижознинг талабига кўра \_\_\_\_кун мобайнида текин тузатиш;
- е) Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан Мижознинг соғлиғига етказилган зиённи, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиққан заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш;
- ж) Мижознинг хуқуқларига риоя килиш.

### 2.2. Бажарувчи қўйидаги хуқуқларга эга бўлади:

- а) Мижоздан Бажарувчининг ички тартиб-коидаларига, даволаш режимига, Бажарувчининг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилишни талаб этиш;
- б) Мижознинг айби билан Бажарувчининг мол-мулки ва ходимларига етказилган зиён ва заарлар тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ва Мижоздан олиш.

### 2.3. Мижоз қўйидагиларга мажбурдир:

- а) Бажарувчининг ички тартиб-коидаларига, даволаш режимига, Бажарувчининг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилиш;
- б) хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вақтида имзолаш;
- в) ўзининг айби билан Бажарувчининг мол-мулки ва ходимларига етказилган зиён ва заарларни тўлиқ ҳажмда қоплаш.

### 2.4. Мижоз қўйидаги хуқуқларга эга бўлади:

- а) мазкур Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур

Шартномада белгиланган ҳажмлар ва муддатлар доирасида тибиёт амалиёти, технология ва касб этикасининг юқори даражасида олиш;

- б) тиббий ёрдам кўрсатишнинг тасдиқланган тартиб-коидалари, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ва тарифлар билан танишиш;
- в) хизматларни кабул қилиш-топшириш далолатномаси мазмунига рози бўлмаган тақдирда, ушбу далолатномани мавжуд мулоҳазаларни ёзма равишда кўрсатган холда имзолаш;
- г) ўзининг соғлиги ҳолати тўғрисидаги врач сирини ошкор қиласлик;
- д) врачлар консилиумини чақиришни талаб қилиш;
- е) агар хизматлар кўрсатиш жараённида Бажарувчи мазкур Шартнома шартларидан хизматлар сифатини ёмонлаштирувчи чекинишга йўл қўйган бўлса, Бажарувчидан барча аниқланган нуқсонларни \_\_\_\_кун мобайнида текин тузатишни талаб қилиш;
- ж) Бажарувчининг ёки Бажарувчи ходимларининг айби билан Мижознинг соғлиғига етказилган зиён, шунингдек бундай зиён етказилиши натижасида келиб чиқсан барча заарлар тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш ва Бажарувчидан олиш;
- з) Бажарувчини \_\_\_\_кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш.

### **3. Томонларнинг жавобгарлиги**

3.1. Мазкур Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёхуд зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар бир-бирининг олдида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

3.2. Хизматлар кўрсатишнинг шартномада белгиланган муддатлари бузилганини учун Мижозга «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда ва микдорларда муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима тўланади.

3.3. Томонларнинг келишувига кўра муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима Бажарувчи томонидан Мижозга қўшимча хизматлар кўрсатилиши ҳисобига бажарилиши мумкин.

3.4. Муддати ўтказиб юборилганлиги учун жарима тўланиши томонларни мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишидан ёки ушбу мажбуриятларнинг улар томонидан йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

3.5. Томонларнинг ҳар бири, агар бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик енгib бўлмайдиган куч оқибатида ёки мазкур Шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятлари бошқа томон томонидан бажарилмаслиги ёки ноҳалол бажарилиши сабабли юз берганлигини исбот қилса, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

### **4. Шартноманинг бошқа шартлари**

4.1. Мижоз учун қўшимча ташхис қўйиш ва даволаш ёрдами кўрсатиш,, агар санаб ўтилганлар Бажарувчи томонидан тиббий хизмат кўрсатилиши туфайли пайдо бўлган асоратлар ёки Бажарувчи ходимларининг нотўғри ташхис қўйиши ва хатти-харакатлари муносабати билан талаб этилса, уларнинг қийматини Бажарувчи ўз маблағлари ҳисобидан тўлайди.

4.2. Мижоз учун қўшимча ташхис қўйиш ва даволаш ёрдами кўрсатиш қиймати, агар юқорида санаб ўтилганлар Мижозда қўшимча касалликлар аниқланиши муносабати билан талаб этилса, мазкур Шартномага қўшимча битим асосида Марказга ажратилган бюджет маблағлари доирасида бюджет маблағлари ҳисобига тўланади.

4.3. Мазкур Шартномада тартибга солинмаган масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласидар.

### **5. Низоларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажариш пайтида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкони борича томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ судда кўриб чиқилиши керак.

### **6. Якуний қоидалар**

6.1. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган бўлса ва томонларнинг бунга вакил қилинган вакиллари томонидан имзолangan бўлса, ҳақиқий ва мазкур Шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

6.2. Мазкур Шартнома уни барча томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

6.3. Мазкур Шартнома ҳар бир томон учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Барча нусхалар ўхшаш ва бир хил юридик кучга эгадир.

### **7. Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари**

#### **БАЖАРУВЧИ**

республика ихтисослаштирилган \_\_\_\_\_  
маркази  
(тўлиқ номи, манзили)  
х/р № \_\_\_\_\_  
МФО \_\_\_\_\_  
СИР \_\_\_\_\_  
Директор \_\_\_\_\_  
(Ф. И. О.)  
М. Ў. \_\_\_\_\_ имзо

#### **МИЖОЗ**

(Ф. И. О.)  
(паспорт рақами ва серияси, ким томонидан  
ва қачон берилган)  
(йўлланманинг рақами ва санаси, йўлланмани  
берган орган)  
(шахснинг имтиёзли тоифага тегишлилигини  
тасдиқловчи хужжатнинг рақами ва берилган  
санаси)  
(Яшаш жойи)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **54 Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида**

Судлар ва адлия органларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, улар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида, шунингдек амалдаги Судлар ва адлия органларини ривожлантириш, Ижро ишини ривожлантириш жамғармалари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Судлари ва адлия муассасаларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик судларини ривожлантириши, Ижро ишини ривожлантириш жамғармалари негизида ягона Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, куйидагилар Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари хисобланади:

умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари тўлашдан давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг 20 фоизи микдоридаги ажратмалар;

хўжалик судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарима санкцияларини тўлашдан давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг 15 фоизи микдоридаги ажратмалар;

адлия органлари, шу жумладан ФХДҮ органлари томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан 20 фоиз, давлат нотариуслари томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан эса 15 фоиз микдоридаги ажратмалар;

адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари, адвокатлик бюроларини, фирмаларни, хайъатларни, хусусий нотариал идораларни рўйхатдан ўтказганлик, нотариал ва адвокатлик фаoliyatiini лицензиялаганлик, юридик кадрларни малака аттестациясидан ўтказганлик учун ундириладиган маблағлар, шунингдек адлия органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ундириладиган жарималар;

ижро иши бўйича бюджетга ундирилган суммадан 30 фоиз микдоридаги ажратмалар;

ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мulkни сотишдан тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

3. Белгилаб қўйилсанки, умумий юрисдикция судлари биноларини куриш ва таъмирлаш, уларни зарур анжомлар, компьютерлар ва бошқа замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминлаш Жамғарманинг биринчи навбатдаги вазифаси хисобланади.

Жамғарма маблағлари шунингдек:

хўжалик судларини ва адлия органларини, шу жумладан нотариатни, ФХДҮни ва суд ижрочиларини моддий-техник таъминлашга;

судлар ва адлия органлари ходимларига малака класслари, даражалари ва муайян вақт давомида ишлаганлиги учун устама ва қўшимча ҳақ тўлашга, уларнинг малакасини оширишга, кадрларни ўқитишга;

судлар ва адлия органлари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга;

судлар ва адлия органлари фаoliyatiini яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

4. Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом ва уни бошқариш тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

5. Белгилансинки, Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири бошқарадиган Кузатувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

Кузатувчи кенгаш таркибига лавозимига кўра Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ва Жамғарманинг ижро этувчи директори киради.

6. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағларини тўплаш ва сарфлашни тезкор бошқариш 4 кишидан иборат таркибдаги, Жамғарма маблағлари хисобидан маблағ билан таъминланадиган Жамғарма ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Жамғарма ижро этувчи дирекциясини Ижро этувчи директор бошқаради, у Жамғарма Кузатувчи кенгаши томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Жамғарма ижро этувчи директори Жамғарма маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши бир ой муддатда Жамғарма ижро этувчи дирекциясини жойлаштирилишини ва бутланишини, шунингдек Жамғарма фаолиятининг бошқа ташкилий-техник масалалари ҳал этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М. Нурмуродов) Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъй назоратни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. Полвон-зода йилнинг хар чорагида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этсин.

#### 9. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида» 1992 йил 12 ноябрдаги 523-сон қарорига 3-илва (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 11-сон, 32-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик судларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида» 1993 йил 4 мартағи 124-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий начорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4 мартағи ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари хақида» 1998 йил 24 апрелдаги 177-сон қарорининг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 17-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 15 августдаги 321-сон қарорининг 5-банди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро ишини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 17 октябрдаги 358-сон қарори, 1-банд бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси адлия муассасалари ва судларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар кириши хақида» 2003 йил 28 февралдаги 114-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 20-модда) ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.А. Азизов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 18 март,  
147-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 18 мартағи 147-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ**

1. Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) судлар ва адлия органларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, шунингдек улар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ташкил этилган.

#### **2. Жамғарма маблағлари:**

умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари тўлашдан давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг 20 фоизи микдоридаги ажратмалар;

хўжалик судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарима санкцияларини тўлашдан давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг 15 фоизи микдоридаги ажратмалар;

адлия органлари, шу жумладан ФХДЁ органлари томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан 20 фоиз, давлат нотариуслари томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан эса 15 фоиз микдоридаги ажратмалар;

адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари, адвокатлик бюроларини, фирмаларни, хайъатларни, хусусий нотариал идораларни рўйхатдан ўтказганлик, нотариал ва адвокатлик фаолиятини лицензиялаганлик, юридик кадрларни малака аттестациясидан ўтказганлик учун ундириладиган маблағлар, шунингдек адлия органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ундириладиган жарималар;

ижро иши бўйича бюджетга ундирилган суммадан 30 фоиз микдоридаги ажратмалар;

ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мulkни сотишдан тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар хисобига шакллантирилади.

3. Умумий юрисдикция судлари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларни зарур анжомлар, компьютерлар ва бошқа замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминлаш Жамғарманинг биринчи навбатдаги вазифаси хисобланади.

## 4. Жамғарма маблағлари:

- а) судлар ва адлия органлари бинолари ва хоналарини куриш, таъмирлаш ва жихозлашга, уларни зарур анжомлар, компьютерлар ва бошқа замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминлашга;
- б) судлар ва адлия органлари техника воситаларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашга;
- в) судьяларга (Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан ташқари) малака класслари ҳамда муайян йил ишлаганилиги учун устамалар ва қўшимча ҳақ тўлашга;
- г) адлия органлари ходимларига даража класслари ҳамда муайян йил ишлаганилиги учун устамалар ва қўшимча ҳақ тўлашга;
- д) судлар ва адлия органлари ходимларини моддий рағбатлантиришга ва ижтимоий муҳофаза килишга (уй-жой куриш, санатория-курорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, маошларга устамалар ва қўшимча ҳақ белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш);
- е) кадрлар малакасини оширишга, уларни ўқитишга, тегишли адабиётлар ва матбаа нашрлари билан таъминлашга;
- ж) судларнинг (судьялардан ташқари) ва адлия органларининг қўшимча ходимлари таъминотига;
- з) судьяларни ва адлия органлари ходимларини формали кийим-бошлар билан таъминлаш харажатларини молиялаштиришга;
- и) Жамғарма захирасини яратишга;
- к) судлар ва адлия органлари фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

5. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари бюджетга олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

6. Судлар ва адлия органлари ходимларини қўшимча кўпайтириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган холда амалга оширилади.

7. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш судларни ва адлия органларини ривожлантириш дастурларини маблағ билан таъминлаш орқали амалга оширилади, ушбу дастурлар ҳар йили маблағлар ва буюртманомалар тушиши прогнози асосида шакллантирилади.

Дастурда судлар ва адлия органлари бинолари ва хоналарини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жихозлаш муддатлари ва ҳажмлари; уларни жихозлар, транспорт воситалари, компьютерлар ва бошқа замонавий ташкилий-техника воситалари билан таъминлаш, шунингдек судлар ва адлия органларини ривожлантириш бўйича бошқа тадбирлар назарда тутилади.

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш дастури, уларни маблағ билан таъминлаш ҳажмлари ҳамда Жамғарманинг захирага қўйиладиган ҳар йилги қисми миқдори Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланади.

8. Жамғарма фаолиятини бошқариш Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан амалга оширилади, унга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири раҳбарлик килади, у Жамғарма Кузатувчи кенгашининг раиси хисобланади. Кузатувчи кенгаши таркибига лавозимига кўра Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ҳамда Жамғарманинг ижро этувчи директори киради.

Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши ҳар чоракда камидан бир марта мажлис ўтказди. Зарур ҳолларда Жамғарма Кузатувчи кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари чакирилиши мумкин.

Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши мажлиси унда Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли хисобланади.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича қарор Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва Жамғарма Кузатувчи кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Жамғарма маблағлари тўпланиши ва сарфланишини тезкор бошқариш Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига Ижро этувчи директор раҳбарлик қилади, у Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Жамғарманинг Ижро этувчи директори Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

10. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси кўйидагиларга мажбур:

буюртманомаларни йиғиш ва Кузатувчи кенгаши томонидан кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлаш;

Кузатувчи кенгаши қарорларини судлар ва адлия органларига етказиш;

Кузатувчи кенгаши қарорларини ўз вақтида ижро этиш;

Жамғарманинг ажратилган маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш ва унинг мониторингини амалга ошириш;

Кузатувчи кенгашига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича хисобот тақдим этиш.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси кўйидаги хукуқларга эга:

зарур ҳолларда маблағлар ажратишга тушган буюртманомалар бўйича қўшимча маълумотлар олиш;

ундирилган ва Жамғармага ўтказиладиган пул маблағларининг амалда тушган суммаси бўйича тегишли ташкилотлардан ахборотлар ва статистика маълумотларини сўраб олиш;

Жамғарманинг ажратилган маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текшириш;

Маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда молиялаштиришни тўхтатиб туриш, кейинчалик ушбу масалани Кузатувчи кенгашига кўриб чиқиш учун киритиш.

11. Ижро этувчи дирекция ўз Низомига мувофиқ бошқа хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси тўғрисидаги низом Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланади.

12. Жамғармадан маблағлар ажратиш юзасидан буюртманомалар Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий хўжалик суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) томонидан Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига тушади.

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси тушган буюртманомаларни умумлаштиради ва уларни кўриб чиқиш учун Жамғарманинг Кузатувчи кенгашига киритади.

Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши қарорлари бўйича маблағларни юкорида кўрсатиб ўтилган идораларга қабул қилинган қарорга мувофиқ фойдаланиш учун ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди

ва Департамент Жамғарманинг Кузатувчи кенгашига Жамғарманинг ажратилган маблағларидан фойдаланилиши түғрисида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

13. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш түғрисидаги ҳисобот ҳар чоракда Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қиласди.

15. Жамғарма маблағларини тўплаш ва улардан фойдаланиш тартиби Жамғарманинг Кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Махкамасининг  
2003 йил 18 мартағи 147-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Судлар ва адлия органларини ривожлантириш  
жамғармасини бошқариш  
ТУЗИЛМАСИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **55 Аҳолини ватанимизда ишлаб чиқарилган ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида**

Улгуржи ва чакана савдода сотилаётган ун ва нон маҳсулотларига бўлган истеъмол талабини чуқур ўрганишни ташкил этиш, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортиментини аҳоли талабига мувофиқ оқилона ўзгартириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясининг корпорация ижро этувчи аппарати тузилмасида ходимларнинг штатда белгиланган сони доирасида Маркетинг бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

Куйидагилар «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси Маркетинг бошқармасининг асосий функциялари этиб белгилансин:

улгуржи ва чакана савдо тизимида уннинг турли навларига ва нон маҳсулотлари турларига бўлган ички истеъмол талабини ўрганиш;

истеъмол талабига мувофиқ ун ва нон маҳсулотлари ассортиментини шакллантириш учун фаллани қайта ишлашни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

«Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси маҳсулотларига истеъмол талаби прогнозини ишлаб чиқиши ва шу асосда озуқабоп буғдой ва ун ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ички ва ташки бозорларда, биринчи навбатда чегарадош давлатлар бозорларида фалла, ун ва нон маҳсулотлари бозори конъюнктураси мониторингини ташкил этиш.

2. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда аҳоли ва республика истеъмолчиларининг уннинг турли навларига ва нон маҳсулотлари турларига амалда вужудга келаётган истеъмол талабидан келиб чиқсан ҳолда озуқабоп буғдойни саноат асосида қайта ишлаш, ун ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган кўрсаткичларига ҳар чоракда тузатишлар киритиш хукуки берилсан.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси «Ўзстандарт» агентлиги ва Давлат дон инспекцияси билан биргаликда уннинг турли навларига бўлган истеъмол талабини ҳамда ишлаб чиқарилаётган уннинг нон пишириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили келгуси қишлоқ хўжалиги йилида буғдойни навлар бўйича жойлаштириш юзасидан белгиланган тартибида таклифлар киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Юсупов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Махкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 25 март,  
155-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**56 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
«Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни  
рафбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташки-  
лотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-  
тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қаро-  
рига ўзгартиришлар киритиш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рафбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2002 й., 11-сон, 67-модда) куйидаги мазмундаги 8-банд билан тўлдирилсин:

«8. Мазкур қарорнинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари иловага мувофиқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш корхоналарига жорий этилади».

8 ва 9-бандлар тегишли равишида 9 ва 10-бандлар деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 31 март,  
164-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 31 марта 164-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон  
қарорининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган солиқ  
имтиёзлари жорий этиладиган истеъмол товарлари  
РЎЙХАТИ**

T/р	Товарлар гурӯҳи	Солиқ имтиёзлари жорий этиладиган товарлар номи
1.	<b>Болаларга мўлжалланган товарлар</b>	Болаларга мўлжалланган товарлар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 июлдаги 327-ф-сон фармойиши билан тасдиқланган.
2.	<b>Маишӣ кимё ва майда қадоқланган товарлар</b>	Силлиқловчи, елимловчи, юувучи синтетик воситалар, юувучи синтетик воситалар, ванналар учун кўпикли кир ювиш воситалари, ёғларни кетказувчи ва сувни юмшатувчи воситалар, буюмлар ва газламаларни оқартириш, синъкалаш ва крахмаллаш воситалари, догни кетказувчи ва тозаловчи воситалар. Хашаротлар, кемирувчиларга қарши кураш учун товарлар ҳамда дезинфекциялаш воситалари, пластилин, аэрозол идишдаги соч учун лок.

Т/п	Товарлар гүрухы	Солиқ имтиёзлари жорий этиладиган товарлар номи
3.	<b>Маданий-маиший ва хўжалик мақсадидаги товарлар</b>	<p>Маиший электр машиналари ва приборлар, шу жумладан гўшт майдалагичлар ва электр гўшт майдалагичлар, шарбат сикқичлар, ошхона комбайнлари, электр миксерлар, сочни қуритиш учун фен, кофе янгичлар, электр дреллар, тостерлар, иситувчи колориферлар, микротўлқинли печлар, электр дазмоллар, идиш-товоқ ва ошхона приборлари, шу жумладан турмушда фойдаланиладиган ҳар хил ошхона анжомлари, қошиқлар, пичоклар, вилкалар, металларнинг барча турларидан ясалган ликопчалар, ҳар хил куракчалар (балиқ, блин, ёғ учун куракчалар ва бошқалар), металлар ва қотишмаларнинг ҳар хил турларидан ясалган рўзгорда ишлатиладиган металл идишлар, мусиқа асбоблари, барча турдаги болалар ўйин-чоқлари, шу жумладан юмшоқ ўйинчоқлар, грампластинкалар, компакт ва лазер дисклари, аудио- ва видео кассеталар, соқол олиш приборлари, тиш чўткалари, кўзйонаклар учун гилофлар, тутмалар (пластина, металл, ёғоч тутмалар ва бошқалар), болалар ванначалари, сув ва ахлат учун челак.</p> <p>Якка тартибда фойдаланиладиган антенна комплекслари, майший соатлар, гальваник элементлар ва батареялар, кулфлайдиган ва майдачуяда металл буюмлар, кранлар ва силжитгичлар.</p> <p>Газ билан ишлайдиган автоматик майший сув иситгичлар, майший насослар, газ ва электр плитаюлар, плафонлар ва рўзгорда ишлатиладиган сочувчилар, термослар, нормал ёритидиган электр чироқлар.</p>
4.	<b>Мураккаб майший техника ва радиоэлектрон аппаратлар</b>	<p>Барча турдаги майший кир ювиши машиналари (кир кўлда сиқиладиган, ярим автоматик, автоматик). Барча турдаги майший совутгичлар ва музлатгичлар.</p> <p>Оқ-кора ва рангли тасвирли телевизорлар, радио тўлқини қабул қилиш қурилмалари: радиоприёмниклар, радиолалар, магниторадиолалар, магнитолалар, радиокомплекслар ва мусиқали марказлар, магнитофонлар, барча турдаги кўшимча магнитофонлар, кўзи ожиз ногиронлар учун овоз чиқарадиган китобларни эшилтириш магнитофон қурилмалари, диктофонлар, оқ-кора ва рангли тасвирли видеомагнитофонлар ва кўшимча видеомагнитофонлар, видеопроигрывателлар, овоз чиқариш колонкалари, электрон эшишиш аппаратлари, майший видеомагнитофонлар учун видеотелекамералар.</p>
5.	<b>Кир совун ва атири совун, кир ювиши порошоги</b>	Ювиш учун ва рўзгорда ишлатиладиган, таркибида ёғ бўлган кир ювиш воситалари (атир совун ва кир совун, кир ювиш порошоги, кир ювишида ишлатиладиган параха).
6.	<b>Пардоз-андоз буюмлари, тиш пастаси</b>	Одеколонлар, атиrlар, кремлар, соч, тери, тишни парвариш қилиш воситалари, упа, зийнат баҳш этадиган пардоз-андоз буюмлари, лосьонлар, тана учун бадбўй ҳидни йўқотувчи воситалар, офтобда қорайиш воситалари, чивинга қарши воситалар.
7.	<b>Аёллар гигиенаси буюмлари</b>	Аёллар гигиенаси буюмлари рўйхати Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 14 июннаги 327-ф-сон фармойиши билан тасдиқланган.
8.	<b>Тикув, трикотаж, пайпок буюмлар, тўқимачилик атторлиги</b>	<p>Устки кийим: аёллар, эркаклар, ўсмиirlар ва болалар пальтолари, курткалари, костюмлари; аёллар кўйлаги, қиз болалар кўйлаги ва яслида кийиладиган кўйлаклар; эркаклар ва болалар кўйлаклари.</p> <p>Чойшаб буюмлари: кўрпа-тўшак жилдлари, чойшаб, ёстиқ жилдлари, кўрпа жилдлари, пастга солинадиган чойшаб, аёллар ва болаларнинг тунги кўйлаклари, эркаклар ва болалар пижамалари;</p> <p>жун, ярим жун, иш газлами ва момиқ адёллар, шу жумладан қалин жун рўмол;</p> <p>ички ва устки трикотаж кийимлар, пайпоклар, қўлқоплар, бошмалдоқ қўлқоп, бош кийимлари.</p> <p>Иш газламадан тайёрланган синтетик, ярим жунли ва калаванинг бошқа турларидан тайёрланган тиббиёт буюмлари (бинтлар, чўлтоқлар учун гилоф, тиззабанд, тирсанкбанд, бодлирбанд, богич ва бошқалар).</p> <p>Пардабоп тўрлар, тўр (кружева), шарфлар, дастрўмоллар ва рўмоллар, рўмолчалар, галстуклар, манжетлар, энсиз ёқа, поёндозлар, салфеткалар, дастурхонлар, ёпқичлар (накидки), ўрин ёпинчиги, дарпардалар, гиламчалар, соябонлар ва соябонлар учун гилофлар, газламадан ясалган абажурлар, тўқилган хўжалик сумкалари, болалар сумкалари, тўр беланчаклар ва тўр халталар, ленталар, уқа (жияк), богичлар, резинали богичлар, шокилали буюмлар ва тўқимачилик атторлигининг бошқа буюмлари.</p>

T/р	Товарлар гурӯҳи	Солиқ имтиёзлари жорий этиладиган товарлар номи
9.	Чарм, чарм-атторлик ва мўйна буюмлар	<p>Портфеллар, папкалар, сафар халтлар, кармонлар, сумкалар, портмоне, ҳамёнлар, муқовалар, гилофлар, нессесерлар, портсигарлар, қўлқоплар, иш кўлқоплари, камарлар, чемоданлар, саквояжлар, қоплар, гилофлар, спорт-ов буюмлари, тўйлар.</p> <p>Мўйнали ва кўй терисидан ясалган пўстин, мўйнали бош кийимлари, ёқа, мўйна, ёпқичлар (пластина), скрои, аёлларнинг мўйнали бош кийимлари, иш кўлқоплари ва мўйнали қўлқоплар ва кўй терисидан ясалган пўстин, мўйнали ва кўй терисидан ясалган бошқа буюмлар — пайпоқлар, гиламлар, эсадлик соғвалар, безаклар, шиппаклар.</p>
10.	Бош кийимлари	<p>Барча турдаги бош кийимлари, шу жумладан фетр бош кийимлар (шляпалар, беретлар, қалпоқлар), тикилган ва мўйнали, пат ва тивитдан ясалган тикилган ва мўйнали бош кийимлар.</p>
11.	Пойабзal (шу жумладан резина пойабзал)	<p>Кундалик, моделли, спорт, уйда кийиладиган, ортопедик, енгил, миллий, шу жумладан юқори қисми табиий, сунъий ва синтетик теридан, газлама ва нотўқима материаллар ва трикотаж полотнодан қилинган, шунингдек юқори қисми ҳар хил нарсалардан қилинган, тагчарми чармдан ва терининг ўрнини досувчи материаллардан, полимер материаллардан ясалган пойабзал.</p>
12.	Чинни, фаянс ва керамика буюмлари, қолипланган алюминий идишлар, шиша идишлар	<p>Турмушда ишлатиладиган сортли идишлар (шиша ва билур идишлар).</p> <p>Турмушда ишлатиладиган чинни-фаянс идишлар (шу жумладан ярим чинни ва сирланган сопол идишлар).</p> <p>Керосин шиша лампа, лампа шиша, сопол идиш.</p> <p>Қолипланган алюминий идишлар, шу жумладан қошиқлар, вилкалар, ликопчалар ва бошқалар.</p> <p>Иссиққа чидамли шишадан ясалган ошхона идишлари.</p> <p>Шиша буюмлар ва мебель саноати учун ойна, шиша идишлар, шу жумладан мурраббо ва тузланган нарсалар учун бутилка, банка, бочкачалар.</p>
13.	Оқ қоғоз, қоғоздан ясалган буюмлар, босма маҳсулотлар ва идора ашёлари ҳамда мактаб анжомлари	<p>Блок-дафтарлар, чизмачилик ва расм солиши учун блоклар ва альбомлар, қайд этиш, эскизлар, ноталар, чизмачилик ва расм солиши учун қоғозлар (шу жумладан кўзи ожизлар учун), ёзув қоғози, ёзув машинкаси учун мўлжалланган қоғоз, мактаб кундалик дафтарлари, мактаб дафтарлари, ҳарфли ва предметли алифбо, ҳарфлар, бўғинлар, рақамлар кассаси, чизгичлар (шу жумладан логарифмик чизгичлар), савод китоблари, ҳар хил плёнкалардан ясалган қоғозлар учун папка, чизмачилик ва расм солиши учун қоғоз ва картондан ясалган папкалар, қаламдонлар, барча турдаги ручкалар, фломастерлар, идора қоғоз қисқичлари, транспортирлар, ҳарфли ва рақамли трафаретлар, учбurchак чизгичлар, сиёҳдонлар, готовальни, барча турдаги қаламлар (шу жумладан механик қаламлар), перолар, ўчиригичлар, қоғоздан ясалган санитари-гигиена буюмлари, қайдлар учун кундалик дафтарлар, расм солиши, ноталар, сўзларни ёзиш, эскизлар учун дафтарлар, умумий ва техник дафтарлар, шахмат тахталари (қоғоздан ва картондан ясалган), қоғознинг техник сортлари — жило берилган, нуқрадек опиоқ қоғоз, расм солиши учун қоғоз (рулонларда), ёзув машинкалари учун миллиметрли, нусха кўйпайтирувчи қоғоз, чизмачиликда ишлатиладиган қоғоз.</p>
14.	Мебель, мебель аксессуарлари	<p>Турмушда фойдаланилайдиган мебель:</p> <p>ошхона мебели: иш жавон-столлари, осма жавонлар, ошхона столлари, курсилар, буфет, юмшоқ ва қаттиқ ошхона учбurchак мебели, стуллар;</p> <p>ёткоҳона мебели: кийим учун жавон, ички кийимлар учун жавон, каравотлар, икки томонлами юмшоқ матраслар, каравот ёнида турадиган тагкурси, кийим-кечак турадиган яшикли жавон, уч табақали тошойна, тик тошойна, зиёфат жавони;</p> <p>корпусли мебель: кўп вазифали жавонлар, китоб жавонлари, идиш жавонлари, сервантлар, ёзув столи, бари бор жавонлар, китоб токчалари, телевизор остига кўйиладиган таглик, радио аппаратлар остига кўйиладиган таглик, сандиқлар;</p> <p>юмшоқ мебель: диванлар, креслолар, йигма диванлар, тебранма кресло, кресло-каравотлар;</p> <p>болалар мебели: каравотлар, ўйинчоқлар учун жавон, кийим-кечак учун жавон, ички кийимлар учун жавон, ёзув столлари, компьютер учун столлар, болаларга мўлжалланган юмшоқ мебель (кресло, диван);</p> <p>турмушда ишлатиладиган бошқа мебель: шу жумладан гигиеник қопламали, металли каркаслни мебель.</p> <p>Брезент қопланган, дала ҳовлида ишлатиладиган йигма мебель (столлар, стуллар, креслолар, каравотлар ва ҳоказолар).</p> <p>Мебель аксессуарлари: ёғоч туткичлар, пластмасса туткичлар, тўртта шарнирли ошиқ-мошиқлар, экцентрик тортигичлар, токча тутгиchlар, шиша тутгиchlар, ойна тутгиchlар, пойнак, бурчакли тортигичлар, учбurchаклар, штанга туткичлар, винтлар, гайкалар, илгаклар, қоғозқисқичлар, шайбалар, шкантлар, ёғоч йигма каравотлар, ёғоч штангалар, ёғоч силиллагичлар.</p>

T/р	Товарлар гурӯҳи	Солиқ имтиёзлари жорий этиладиган товарлар номи
15.	Гилам ва гиламбоп буюмлар	Гилам ва гиламбоп буюмлар (шу жумладан поёндоzlар, ўлчамли парча гилам).
16	Ип газлама, ипак, жун, синтетик ва кимёвий толалардан тайёрланган тайёр газламалар	Ип газлама, шу жумладан табиий, синтетик, кимёвий толалардан ва кимёвий (штапель) толалардан тайёрланган момик, жун, ипак газламалар.
17.	Қурилиш материаллари	Ванналар, раковина (chanok)лар, унитазлар, гулқоғозлар.

